

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳукукида

УДК

УТАНОВ БУНЁД ҚУВОНДИҚОВИЧ

Миллий ҳисобчиликда номолиявий корхоналар сектори
кўрсаткичлари ва уларнинг статистик таҳлили

Мутахассислик: 5А342001 “Статистика (тармоқлар ва соҳалар
бўйича)”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Қорабоев А.

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I БОБ. Иқтисодиётнинг номолиявий корхоналар сектори фаолиятини статистик ўрганишни илмий-услубий асослари.....

1. Номолиявий корхоналар сектори фаолияти шаклланишининг ўзига хос илмий-услубий асослари ва иқтисодиётда тутган ўрни
2. Номолиявий корхоналар сектори иқтисодий фаолиятининг натижавий кўрсаткичларини ҳисобга олиш усули

I боб бўйича хулоса

II-БОБ. Номолиявий корхоналарнинг иқтисодий фаолияти жараёнларини миллий ҳисоблар тизими ҳисоб кўрсаткичлари асосида иқтисодий таҳлил қилиш асослари.....

1. Миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари таҳлилининг услубий асослари.....
2. Даромадларни шаклланиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараён кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили.....

II боб бўйича хулоса

III-БОБ. Номолиявий корхоналар сектори иқтисодий фаолияти ривожланиш жараён кўрсаткичларини эконометрик ва статистик усуллар асосида башоратлаш.....

1. Иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш жараён кўрсаткичларини башоратлаш усуллари
2. Номолиявий корхоналар секторининг иқтисодий фаолият истиқболини белгилаш

III боб бўйича хулоса

Хулоса

Илова

Адабиётлар рўйхати

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Факультет: Ҳисоб ва аудит	Магистрант: Б.Қ. Утанов
Кафедра: Статистика	Илмий раҳбар: и.ф.н.доцент А.Р.Карабаев
Ўқув йили: 2012-2013 й.й	Мутахассислиги: Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари статистика ахборотлари ва уларни таҳлил қилиш натижасида аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоблар тизими статистикасига иқтисодиётда иқтисодий таҳлил даражасини оширади. Айниқса, номолиявий корхоналар сектори ҳисоби орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни, унинг доиравий ҳаракатини назорат қилиш, яъни ишлаб чиқариш, даромадларни шаклланиши, тақсимлаш ва улардан жараёнларини статистик маълумотлар асосида назарий-услубий таҳлил усуллари ишлаб чиқариш долзарбдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Номолиявий корхоналар секторининг МҲТ ҳисоб кўрсаткичлари асосида сектор ва унинг тармоқларини ишлаб чиқариш, даромадларни шаклланиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари услубий таҳлиллار ишлаб чиқариш билан бирга реал маълумотлар асосида таҳлил қилиш асосида хулосалар қилиш ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети. Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш шароитида МҲТ ни шаклланиш жараёнида номолиявий корхоналар сектори ҳисобининг натижавий кўрсаткичларини таҳлил қилиш усуллари яратиш тадқиқот предмети ташкил қилади.

Тадқиқот объекти бўлиб –Ўзбекистон Республикасининг МҲТ ва унинг таркибий қисми номолиявий корхоналар сектори.

Тадқиқот методи сифатида илмий абстракция, қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш, микроиқтисодий макроиқтисодий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Ўзбекистон Республикасини МХТ да номолиявий корхоналар секторини иқтисодий фаолиятини шаклланишининг ўзига хос илмий-услугий назарий жиҳатлари ва уларни ҳисоб кўрсаткичларини таҳлил этиш усуллари ишлаб чиқилди ва ҳисоб кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда унинг тадбиқи. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишида олинган илмий хулоса ва амалий таклифлардан келажакда МХТни ва секторларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш ҳамда улардан иқтисодиётнинг макро ва микро иқтисодий кўрсаткичларни янада аниқ ҳисоблашга ёрдам беради. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида, “Миллий ҳисоблар тизими”, “Статистика”, “Макроиқтисодиёт ва иқтисодиёт назарияси” фанларидан ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва таркиби: кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари учта тезисларда нашр қилинган.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳозирги кунда жаҳондаги кўпгина мамлакатлар шу билан бир қаторда бизнинг мамлакатимизда ҳам интеграциялашуви жараёнида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўпгина ўзгаришларга дуч келинаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ундай ҳолларда Республикаимизда кўлланиб келинаётган статистика, бухгалтерия, номолия ҳисоби ва ҳисоботларини, иқтисодий кўрсаткичларни халқаро андозаларга мослаштирган ҳолда миллий иқтисодиётнинг статистик услубиятини иқтисодий статистик таҳлил ҳамда макроиқтисодий даражалардаги истиқболларини аниқлаш ва уни такомиллаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги хусусида “Илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тизимини тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, тадбиқ этиш асосий вазифаларидан биридир¹” деб бежиз таъкидламаган.

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз бериб турган, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган, меҳнат тақсимооти чуқурлашаётган ва мураккаблашаётган, иқтисодий жараёнлар глобаллашаётган, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш давом этаётган ҳозирги мураккаб шароитда, иқтисодиётда вужудга келган айрим номутаносибликларни муваффақиятли бартараф этиш ва иқтисодиётни янада самарали бошқаришни таъминлашда асосий қурол иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослашнинг энг мукамал халқаро стандарти ҳисобланган миллий ҳисоблар тизимидир. Чунки МҲТ иқтисодий функциялашувни объектив акс эттириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда ахборот таъминотидаги жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжаллаган. Афсуски, МҲТ маълумотларидан маҳаллий шароитда бошқарув органлари, иқтисодий ва номолиявий тузилмалар томонидан етарлича фойдаланилмайди, бу ерда МҲТ нинг фақат асосий тушунча ва категориялари ва айрим ҳисобламаларни тузишлари ўзлаштирилди, холос.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 26 декабрь

Жумладан, 1996 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қўшимча ўсиш суръати 1,7% ни ташкил қилган бўлса, 2008-2010 йилларда ўртача 8,4% ни ва 2010-2012 йилларда эса ўртача 8,3% ни ташкил қилган.

Макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсишини баҳолашда мазкур ўсишнинг қайси тармоқ ва секторлар ҳисобидан таъминланганлигига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида 1998 йилдан бошлаб МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчилардан бўлиб иқтисодий ўсиш ҳолати кузатилди. 2003 йилда макроиктисодий кўрсаткичлардан бири – ЯИМ нинг ўртача иқтисодий ўсиши 8,3% ни ташкил қилди. Бунда макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсишини баҳолашда мазкур ўсишнинг қайси тармоқ ва секторлар ҳисобидан таъминланганлигини баҳолаш ҳамда уни макроиктисодий-статистик таҳлил қилиш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Тармоқ ва секторларнинг макроиктисодиётда ривожланиш жараёнларини ўрганиш ва аниқлашни турли услублари мавжуд. Тармоқ ва секторлар ривожланиш жараёнларини ўрганишнинг асосларидан бири, МҲТ йиллик ҳисоблама кўрсаткичлари асосида таҳлил ва баҳолаш орқали аниқланади. Бу усул бошқа иқтисодий усуллардан афзаллиги шундаки, ҳисоблама кўрсаткичлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолатда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал қилишда миллий ҳисоблар тизими, тўлов баланси, тармоқлараро баланс, молия баланси ва бошқа макроиктисодий баланслар имкониятидан тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди”² – деб таъкидлаганлари ҳам бу мавзунинг долзарблигини англатади.

Ана шуларнинг барчаси диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилаб беради ва номолиявий корхоналар секторини такомиллаштириш масалаларини чуқур ўрганишни ҳамда Ўзбекистон Республикасида миллий тизимни ишлаб чиқариш жараёнида секторнинг ҳисобларини тузиш ва унинг натижаларини таҳлил қилишнинг услубий асосларини ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил 12 январь

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши сифатида Ўзбекистон Республикасининг номолиявий корхоналар сектори, ҳамда унинг таркибий ажралмас қисми бўлган тармоқларинг кўрсаткичлари олинди. Айрим жойларда эса Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий кўрсаткичлар маълумотларидан фойдаланиш, хусусан номолиявий корхоналар сектори маълумотлари махсус рухсат этилган ташкилотлар ҳуқуқига эга бўлган ҳолда оммавий фойдаланиш учун таъқиқланганлиги сабабли, кўпгина маълумотларни ҳисоблаш ишлари орқали фоизларда олинди.

Ушбу тадқиқот ишида натижавий кўрсаткичлар асосида яратилган тавсия ва хулосаларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга тадбиқ қилишни ҳисобга олдик.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоблар маълумотлари асосида номолиявий корхоналар ҳисобларини ишлаб чиқиш, даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий муаммоларини статистик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари юзасидан Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисобчилигига оид амалий таклиф, тавсиялар беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун диссертациясида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ўзаро боғлиқликлари ва умумий қонуниятларини МҲТ иқтисодиёт ва унинг тармоқлар ва секторлар ҳисоблари асосида умумлашган ҳолда таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш ҳисоби тартибини барпо этиш, даромадларни тақсимлаш ва фойдаланишда асосий йўналишини аниқлаш;
- макроиктисодий ўсиш натижаларига экстенсив ва интенсив омиллар таъсирини аниқлаш;
- номолиявий корхоналар ҳисоблари асосида макроиктисодий таҳлил услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- миллий ҳисобчиликнинг таркибий кўрсаткичлари таҳлилин аналга ошириш;

- МҲТ ҳисоблари орқали олинган маълумотларни макроиқтисодий кўрсаткичлар билан солиштириш ва таҳлил қилиш;
- МҲТ низомлари асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни статистик низомлар бўйича илмий-услубий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот натижаларини ёритиш мақсадида номолиявий корхоналар секторида, хусусан саноат тармоғининг айрим кўрсаткичлари башорат қилинди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Номолия корхоналари ҳисобларининг назарий ва услубий асослари хорижий мамлакатларнинг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу соҳада С.Кузнец, Р.Стоун, Ж.Кейнс, В.Леонтьев, Г.Кинг, Ж.Маршалл, К.Кларк, У.Петти ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

МДХ давлатлари олимларидан Б.Т.Рябушкин, Б.И.Башкатов, Ю.Н.Иванов, А.Л.Вайнштейн, Т.А.Хоменко, В.Н.Салин ва бошқалар ҳам миллий ҳисоблар тизимининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Маҳаллий миллий ҳисоблар тизимини иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўллаш ва моделларини тузиш бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган иқтисодчи олимлардан Б.Ғойибназаров, Х.Набиев, Р.А.Алимов, А.Абдуғафаров, А.А.Набихўжаев, Б.М.Маҳмудов, А.Р.Қорабоев, Н.М.Соатовларнинг қўшган ҳиссаларини эътироф этиш лозим. Улар ўз тадқиқотларида миллий ҳисоблар тизимига алоқадор бўлган у ёки бу масалаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича илмий фикрлар билдиришган.

Тадқиқотда қўлланиладиган услубларнинг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, турли профессор-олимларнинг мавзуга оид олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилади.

Шунингдек, таҳлил юритишда тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик, иқтисолий-математик моделлаштириш, эконометрик усуллар билан бир каторда таҳлил, синтез, статистик ва макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти иқтисодийётни ўрганишда институционал бирликларни тармоқлар ва секторларга гуруҳлаш асосида, иқтисодий жараёнларни ихчам ва содда ҳолда ифодалаш орқали ўрганиш зарурияти билан муҳимдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- БМТ МХТ-2008 янги нусхасини, ҳамда хорижий ва маҳаллий олимлар, мутахассислар томонидан ёзилган илмий-услубий қўлланмаларни қиёсий ўрганилган ва қиёсий таҳлил қилинган;
- номолиявий корхоналар ҳисоблари орқали олинган маълумотларни макроиқтисодий кўрсаткичлар билан солиштириш ва таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;
- тармоқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиш, тармоқ ривожланиш даражасини, иқтисодий сиёсат ва бозор муносабатлари таъсирида иқтисодийётдаги тармоқларнинг таркибий силжишлари баҳоланган;
- миллий ҳисобчиликда акс этадиган иқтисодий жараёнлар таҳлили (ишлаб чиқариш, даромадларни шакллантириш, уни бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш, ундан фойдаланиш ҳамда ишлатиш)даги айрим кўрсаткичларнинг асосий статистик манбалари аниқлаб берилган;
- иқтисодийётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар (ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва қўшилган қиймат) динамикаси ўрганиб чиқилган;
- таҳлил натижаларидан давлат бошқарув органлари томонидан янги макроиқтисодий сиёсатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва қарор қабул қилишда, макроиқтисодий вазиятни ва иқтисодий жараёнларни баҳолашда, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболдаги прогнозлар моделлари ишлаб чиқишда фойдаланиш таклиф этилган ва амалга оширилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш қисми, учта боб, олти параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти ҳамда илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган.

Биринчи боб “Иқтисодиётнинг номолиявий корхоналар сектори фаолиятини статистик ўрганишни илмий-услубий асослари” деб номланган ва бунда номолиявий корхоналар сектори шаклланишининг назарий асослари ва унинг иқтисодиётдаги тутган ўрнини баҳолаш, ҳамда номолиявий корхоналар сектори ҳисобларини тузишни ўзига хос услуби ва унинг таркиби ёритиб берилган. Мамлакатимиз халқ хўжалиги балансидан миллий ҳисоблар тизимга ўтиши, миллий ҳисоблар тизимининг мамлакатимизда шаклланиши, мазкур тизимнинг афзалликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини реал тармоқ ва секторларда ҳисоблаш тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган.

Магистрлик диссертациясининг *иккинчи боби* “Номолиявий корхоналарнинг иқтисодий фаолияти жараёнларини миллий ҳисоблар тизими ҳисоб кўрсаткичлари асосида иқтисодий таҳлил қилиш асослари” деб номланиб, у ҳам икки параграфдан иборат. Иккинчи бобнинг биринчи параграфида миллий ҳисоб тизими кўрсаткичлари таҳлилининг услубий асослари, иккинчи параграфида эса даромадларни шаклланиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараён кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили бериб ўтилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси номолиявий корхоналар секторларининг тармоқлари таҳлили кўрсатиб ўтилган.

Учинчи боб “Номолиявий корхоналар сектори иқтисодий фаолияти ривожланиш жараён кўрчларини эконометрик ва статистик усуллар асосида башоратлаш” деб номланган бўлиб, икки параграфдан иборат. Биринчи параграфда иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш жараён кўрсаткичларини башоратлаш усуллари услубияти ёритилган бўлса, иккинчи параграфда номолиявий корхоналар секторининг иқтисодий фаолият истиқболини белгилашга бағишланган. Бу параграфда номолиявий корхоналар секторида саноат тармоғининг улуши кўп бўлганлиги учун саноат тармоғи ўрганилиб, шу асосида 2020 йилгача саноат тармоғимизнинг истиқболини, яъни келажакдаги қай йўсинда ўзгариши башоратланган.

I-боб. Иқтисодиётнинг номолиявий корхоналар сектори фаолиятини статистик ўрганишни илмий-услубий асослари

1.1. Номолиявий корхоналар сектори фаолияти шаклланишининг ўзига хос илмий-услубий асослари ва иқтисодиётда тутган ўрни

Мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграллашуви республикамизда қўлланилиб келинаётган статистика, бухгалтерия, молия ҳисоби ва ҳисоботларини, иқтисодий кўрсаткичларни халқаро андозаларга мослаштирган ҳолда ривожлантиришининг зарурияти туғилмоқда. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда, хусусан, Германия, Япония, Франция, Англия ва бошқа давлатларда ҳозирги вақтдаги иқтисодиётининг самарали бошқаришини таъминлашдаги асосий қуроли иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослашнинг энг мукамал халқаро стандарти ҳисобланган-миллий ҳисоблар тизимидир.

Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов “Илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тизимини тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш асосий вазифалардан биридир”³, - деб таъкидлаган эди.

Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Ушбу нисбатнинг қай даражада эканлигини таҳлил қилиш эса ҳар

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигин қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 2002 йил 26 декабрь

бир мамлакатда амал қилаётган миллий ҳисоблар тизими (МХТ)нинг такомиллашганлик даражасига боғлиқ. Бироқ, айрим мамлакатларда қўлланилаётган МХТдаги иқтисодий таҳлил ролининг эътибордан четда қолиши пул муомаласининг бузилишига, пировардида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига олиб келди. Зеро ушбу муаммо бўйича Юртбошимиз ўз асарларида таъкидлаганидек- “Инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий мутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди”⁴ – деб таъкидлаган эди.

Миллий ҳисоблар тизими – бу айти бозорга мос келадиган тизим бўлиб, миллий иқтисодиёт бўйича бир – бирига чамбарчас боғланган статистик кўрсаткичларни макроиқтисодий тузилмада баҳолаш, ҳисоб – китоблар тўплами ва баланс жадвалларини тузиш, иқтисодий фаолият натижаларини характерлаш ҳамда иқтисод тузилмасини ва бошқа муҳим зарурий боғланишларни ифодалашга хизмат қиладиган тизимдир.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт турли қисм ва бўлақлардан ташкил топган мураккаб тизимдир. Иқтисодиётнинг турли қисм ўртасидаги ўзаро нисбат иқтисодиётнинг таркибий тузилишини кўрсатади. Иқтисодиётни алоҳида қисмларга бўлиш асосида турли белгилар учун таркибларнинг тузилиши бир неча турларга ажратиб ўрганилади:

1. Ижтимоий тузилиши.

² И.А.Каримов “ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т: Ўзбекистон, 2011. 2.б

2. Тармоқ тузилиши.

3. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши.

4. Худудий тузилиши.


Ижтимоий тузилиш- бу иқтисодиётнинг турли мулкчилик ўртасидаги ўзаро нисбатдир. Иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши бу турли тармоқлар нисбатдир, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ўртасида ёки қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатдир. Тармоқ тузилиши миллий иқтисодиётнинг даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Такрор ишлаб чиқариш таркиби турлари бўйича такрор ишлаб чиқаришга яқин.

Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқарувчи бирликларнинг сони, таркиби ва фаолият турлари ҳам хилма-хил ва тез ўзгариб туради. Бунинг натижасида мамлакатда кечаётган иқтисодий жараёнлар ҳолатини билиш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларнинг қанчалик даражада мамлакатнинг истеъмол талабларини қондираётганлигини билиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек институционал бирликларнинг фаолияти бир-бирига ўхшаш бўлса, иккинчидан, олдиларига қўйган мақсадлари, вазифалари ва уларни амалга оширишларига қараб ҳам бир-бирларига ўхшайдилар.

Шу сабабли иқтисодиётни ўрганишда институционал бирликларни тармоқлар ва секторларга гуруҳлаш орқали, иқтисодий жараёнларни ихчам ва содда ҳолда ифодалаш орқали ўрганиш заруриятини касб этади.

Институционал бирлик деб, иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган ва бошқа иқтисодий бирликлар билан ўзаро иқтисодий

фаолиятда ва операциялар қилиш ҳуқуқига эга бўлган ишлаб чиқарувчи бирликларга айтилади. (1.1.1-Расм)



1.1.1-Расм. Институционал бирликлар таркиби

Институционал бирлик қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим:

- активлар эгаси бўлиши, яъни мустақил равишда ишлаб чиқарган маҳсулоти ва кўрсатган хизматини сотиши, алмашиши, текинга бериб юбориши мумкин;
- ўзига мажбуриятлар олиши (шартномалар тузиши, кредит олиши ва ҳ.к.);
- бошқа бирликлар билан мустақил иқтисодий фаолият ва операциялар олиб бориши;
- бухгалтерия ҳисобини юритиши ёки давлат олдида (қонун билан белгиланган тартибда) ҳисоб бериб туриши;
- ўз фаолияти натижасига ўзи жавобгар.

Институцион бирликларга тўлиқ ҳисоблар тўпламини тузиб берадиган ва хўжалик юритишда мустақилликка эга бўлган хўжалик бирликлари киради.


Институцион бирликларни аниқлаш ва уларни сектор ҳамда тармоқлар бўйича гуруҳлаштириш асосан секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатиш ва уларни таҳлил қилиш республика иқтисодий ахволини тўлиқ тасвирлаш мақсадида амалга оширилади.

МХТда асосий эътибор алоҳида иқтисодий секторлар бўйича миллий бойлик кўрсаткичини, актив ва пассивларни таҳлил этишга қаратилган бўлади. Институционал бирликларни секторлар бўйича гуруҳлашдан мақсад, даромад ва харажатлар оқими, шунингдек, молия-кредит, актив ва пассивларни ўрганишдир.

Институционал бирликларни аниқлаш ва уларни секторлар бўйича гуруҳлаштиришнинг концептуал асосини 1.1.2-расмда савол-жавоблар орқали амалга оширилганини кўришимиз мумкин.

Институционал бирликларни иқтисодий секторга гуруҳлашнинг асосий низоми (иқтисодиётнинг институционал секторлари) қуйидагилар:

- иқтисодий жараёнлардаги бажарадиган вазифалари асосида;
- харажатларни молиялаштириш асоси Институционал бирликлар секторларини гуруҳлашдан мақсад: даромадларнинг шаклланиши ва улар ўртасида даромадлар қандай тақсимланишини ўрганишдир.



1.1.2-Расм. Институционал бирликларни аниқлаш ва уларни секторлар бўйича гуруҳлаштиришни концептуал асоси

Секторлар	Секторларни таркиби	Асосий вазифаси	Фаолияти учун молиявий манбайи
Номолиявий корхоналар	Турли мулк шаклларидаги номолиявий корхоналар	Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш	Товар ва хизматларни сотишдан тушган тушумлар
Молия корхоналари	Тижорат кредит ташкилотлари ва суғурта ҳамда нафақа фондлар ташкилотлари	Тижорат асосида молия ресурсларини йиғиш, ўтказиш, тақсимлаш ва суғурта ташкилотлари ва нафақа фондларни ташкил қилиш	Молия операцияларидан олинган фойзалар, фойдалар ва суғурта ва нафақа бадаллари
Давлат бошқарув идоралари	Давлат бошқарув идоралари, бюджет ташкилотлар ва бюджетдан ташқари фондлар ва бошқалар	Аҳолини индивидуал ва жамоа эҳтиёжларини қондириш ва бепул хизмат кўрсатиш	Давлат бюджети маблағлари, бошқа секторлар институционал бирликларининг мажбурий тўловлари
Уй хўжаликлари рига хизмат кўрсатувчи ноти-жорат ташкилотлар	Жамоатчилик асосида ташкил топган маориф, тиббиёт, маданият ва санъат ташкилотлар ва бошқалар. Сиёсий парти-ялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар	Уй хўжалигини маълум бир қисм аҳолини индивидуал ва жамоа талабларини қондириш ва бепул хизмат кўрсатиш	Ҳадя, хайр-эҳсонлар ва ихтиёрий тўловлар, бадаллар, мулкдан олинган даромадлар
Уй хўжаликлари	Жисмоний шахс, ўз даромадларини биргаликда тасарруф этувчи алоҳида оила, ёки оилалар гуруҳи, нокорпоратив корхоналар, мулкдан даромад олувчи хонадонлар	Барча иқтисодий секторларнинг иқтисодий фаолият натижаларини истёъмолчиси ва жисмоний шахс сифатида товар ва хизматлар ишлаб чиқиш қатнашувчилари	Ёлланган ишчиларни меҳнат ҳақи, мулкдан олинган даромадлар, жорий трансферт тўловлари (нафақа, стипендиялар) ва бошқалар
Ташқи дунё сектори	Бошқа мамлакат резидентлар билан мамлакат резидентлари ўртасидаги иқтисодий операция қатнашади	Мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда иштироки ва улар ўртасидаги иқтисодий операциялар қайд этиш ва натижасини таҳлил этиш	

1.1.3-Расм. Иқтисодиёт секторлари, уларни таркиби ва харажатларни молиялаштириш манбаи

Чет давлатлар тажрибасини умумлаштириш ва иқтисодий фаолият турларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги институционал бирликларни иқтисодиётнинг қуйидаги секторлари бўйича гуруҳланган. (1.1.3-Расм) Шундай қилиб иқтисодий сектор иқтисодий фаолият юритишда, бажарадиган вазифаларнинг бир хиллиги ва харажатни молиялаштириш манбалари ўхшашлиги бир хил бўлган институционал бирликлар мажмуасидир.

маблағлар билан таъминланаётганликларига эътибор бериш зарур⁵. Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни турлича талқин қилишимиз мумкин.

Масалан, давлат тасарруфида бўлган маҳалламизда жойлашган оилавий поликлиника бир вақтнинг ўзида ҳам бозор ва нобозор хизмат кўрсатади. Оилавий поликлиникадаги деярли барча хизматлари бепул бўлса, унинг таркибидаги стоматология бўлими хизмати пуллик бўлади. Бу ерда оилавий поликлиника қайси секторга тегишли эканлигини билиш муаммоси туғилади. Бундай муаммолар амалиётда кўплаб учраб туради. Яъни, корхоналар бир вақтнинг ўзида икки секторга таалукли бўлишини шартли равишда квазикорхона деб атаймиз. Демак, юқоридаги оилавий поликлиника квазикорхона экан. Чунки поликлиникадаги стоматология бўлими пуллик хизмат кўрсатиши номолиявий корхоналар секторига кирса, поликлиниканинг бошқа бўлимлардаги хизматлар давлат томонидан маблағлар билан таъминланганлиги учун давлат бошқарув идоралари сектори таркибига киради. Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёни товар

⁵Миллий ҳисоблар тизими. Дарслик. Махмудов Б, Тошкент-2009 йил

ресурслари, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатни тавсифлаш мақсадида МХТда институционал бирликлар тармоқ бўйича ҳам таснифланади.

Тасниф бирлиги: Корхона – хўжалик бирлик (корхона ва унинг шахобчалари) бўлиб, бир хилда ёки шунга яқин маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқариш технологияси ва маҳсулот бирлигига кетадиган харажат,

бир хил ва ишлаб чиқариш ва уни харажатлар тўғрисидаги ахборотларни бир қаторда турган корхоналардир.

Ишлаб чиқарувчи бирликларни (корхона ва уни шахобчалари) иқтисодий тармоқларига гурухлаш низоми қуйидагича: характери, яъни маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш технологияси ва сарф харажатлар таркиби бир-бирига ўхшаш бирликлар.

Гурухлашдан мақсад: Ишлаб чиқариш таҳлили, ресурсларнинг ўзаро баланси ва товар ва хизматларидан фойдаланишини ўрганиш.

Бўлим	Тармоқларни номи
Бўлим А	Қишлоқ хўжалиги, овчилик ва ўрмон хўжалиги
Бўлим В	Балиқ овлаш ва балиқчилик
Бўлим С	Кон саноати
Бўлим D	Ишлаб чиқарадиган саноат
Бўлим Е	Электр энергияси, газ, сув таъминоти
Бўлим F	Қурилиш
Бўлим G	Савдо
Бўлим H	Меҳмонхоналар, ресторанлар
Бўлим I	Транспорт, алоқа, омборхоналар хизмати

Бўлим J	Молия воситачилиги
Бўлим K	Кўчмас мулк, аренда ва бошқа тижорат фаоляти
Бўлим L	Давлат бошқаруви
Бўлим M	Маориф
Бўлим N	Тиббиёт ва ижтимоий хизматлар

1.1.4-Расм. Халқаро тармоқ таснифи

Тармоқ бу - гурухланган корхоналар, яъни бир хилдаги ва шунга ўхшаш товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш характери ва ишлаб чиқариш технологияси ҳамда сарф харажатлари бир-бирига ўхшаш ишлаб чиқарувчи бирликлар. Иқтисодий ўсишнинг кўп секторли моделининг вужудга келиши иқтисодиётдаги тузилма ўзгаришларини акс эттириш учун хизмат қилади ва иқтисодий режалаштириш учун асос бўлиб, тармоқлараро тузилма ўзгаришларига таъсир этади. Бундай моделлар реал ҳаёт билан яқинроқ бўлиш имконини яратади.

Дунё миқёсидаги халқаро тармоқ таснифини юзага келиши нафақат алоҳида олинган мамлакат, балки мамлакатлараро иқтисодий ва социал муаммоларни билишга ва уларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тармоқларга таснифлаш заруратининг келиб чиқиши ва ундан андоза олиши бевосита халқаро тармоқ таснифидан келиб чиққан. (1.1.4-Расм)

Шундай қилиб тармоқ таснифи ҳисоботларни соддалаштиради, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишга ва моделлаштиришга имкон яратади ва мамлакатда иқтисодий сиёсатни юритишда қулайлик туғдиради.

Номолиявий корхоналар сектори – молиявий ташкилотлардан ташқари институцион бирликларни ҳам ўз ичига олади. Бу секторнинг

асосий вазифаси товар ва хизматларни ишлаб чиқиш, уни сотиш орқали фойда олувчи мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналар мажмуасидир.

Номолиявий корхоналар ўз ичига қуйидаги тармоқларни олади: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжаликлари, ўрмон хўжаликлари, алоқа, йўловчилар ва юк транспорти, моддий ва номоддий пуллик хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотлари.

Саноат ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва саноатнинг қўшилган қиймати кўрсаткичлари иқтисодиёт тармоқларининг амалдаги классификаторига мувофиқ унинг асосий қисм тармоқлари бўйича ҳисобланади. Қисқа муддатли даврда саноат ривожланиши таҳлилини амалга ошириш мақсадида “Саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳажми” статистик ҳисобот шакли бўйича барча асосий тармоқлар ажратиб кўрсатилади.

Саноат тармоғи ишлаб чиқариши:

- йирик саноат корхоналари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар;
- саноат фаолияти билан шуғулланадиган кичик саноат корхоналари ва микрофирмалари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар;
- носаноат ташкилотлари қошидаги ёрдамчи саноат корхоналари;
- уй хўжаликлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мебель, асбоб-ускуналар, кийим-бош, пойабзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича яқка тартибдаги фаолият, косиблик, бадий хунармандчилик ва хоказолар) ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти қиймати сифатида аниқланади.

Уй хўжаликларининг саноат ишлаб чиқариши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Сотиш ва ўз истеъмоли учун нон, ун, вино, ўсимлик мойи, қурилиш материаллари ва ҳоказолар ишлаб чиқариш;
- косиб-ҳунармандчилик буюмлари ва бадий буюмлар;
- кийимбош, пойабзал ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва сотишга мўлжалланган бошқа шунга ўхшаш хизматлар.

“Қишлоқ хўжалиги” тармоғи- деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) деҳқончилик маҳсулотлари:

календар йил ҳосилидан олинган хом-ашё маҳсулотлар қиймати;

кўп йиллик дов-дарахтлар ниҳолларини етиштириш қиймати;

деҳқончилик маҳсулотларининг тугалланмаган ишлаб чиқариши қийматининг ўзгариши;

б) чорвачилик маҳсулотлари:

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқиш ва хўжалик мақсадида фойдаланиш натижасида олинган хом-ашё маҳсулотларининг қиймати;

мол, парранда ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг боқиш қиймати (янги туғилган мол ва қўшилган оғирлик қиймати);

в) қишлоқ хўжалигига кўрсатилган бозор хизматлари ва бозорга хос бўлмаган хизматлар қиймати:

ерни яхшилаш, тупроқни кимёлаштириш ва бошқа агрономия ишлари, ўсимликларни касаллик ва қишлоқ хўжалиги зараркундаларидан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар қиймати;

қишлоқ хўжалигига зоотехника ва ветеринария хизмати кўрсатиш қиймати;

ирригация ва мелиорация тизимларидан фойдаланиш бўйича сув хўжалиги корхоналари (ташкилотлари) хизматлари қиймати.

Қурилиш ишлаб чиқариши ўзида пудрат ёки хўжалик усули билан бажариладиган бинолар ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари қийматини, шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш ишлари қийматини ифодалайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) қурилиш-монтаж ишлари;

б) муайян қурилиш объектларига тегишли бўлган геология-разведка ва бурғулаш ишлари;

в) муайян қурилиш объектларига тегишли бўлган лойиҳа-қидирув ишлари;

г) ерни яхшилаш ишлари, ирригация ва мелиорация ишлари;

д) бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш;

е) пудрат усулида бажариладиган бинолар ва иншоотларни жорий таъмирлаш;

ж) якка тартибдаги уй-жойлар ва хўжалик усули билан қурилган иморатлар қиймати.

Ўрнатилган асбоб-ускуналар қиймати, кўп йиллик дов-дарахтлар экиш ва чуқур разведка бурғулаш харажатлари қурилиш ишлаб чиқаришига киритилмайди.

“Транспорт” тармоғи мулкчиликнинг барча шакллари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги мустақил транспорт корхоналари, бошқа тармоқларга тегишли деб топилган корхоналарнинг ёрдамчи бўлинмалари, юк ва йўловчилар ташиш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш юзасидан уй хўжаликлари томонидан бажариладиган юк ва йўловчилар ташиш билан боғлиқ фаолиятнинг барча турларини ўз ичига олади.

Транспорт тармоғининг ялпи ишлаб чиқариши транспортнинг барча турларида:

- темирйўл транспортида, шу жумладан трамвай ва метрополитенда;
- шоссели транспортда, шу жумладан троллейбус транспортида ҳамда автомобиль ва шоссе хўжалигида;
- қувур транспортида;
- сув транспортида;
- авиация транспортида;
- транспортнинг бошқа турларида юк (юк транспортида) ва йўловчилар (йўловчи транспортида) ташишдан олинган даромадларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади.

“Алоқа” тармоғи почта, электрон, телефон ва радио алоқасини ўз ичига олади.

“Савдо” тармоғи ички ва ташқи савдони ўз ичига олади.

Ички савдо қуйидагиларни ўз ичига олади: улгуржи савдо, чакана савдо (шу жумладан сабзавот сақланадиган жойлар), умумий овқатланиш;

чакана ва улгуржи савдо ҳамда умумий овқатланишнинг хўжалик бошқаруви; маданий-маиший мақсаддаги ва хўжаликда ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш; халқ истеъмол товарларининг олди-сотдисиди ва маданий-маиший мақсаддаги ва хўжаликда ишлатиладиган буюмларни ёллашга (прокатга) беришда биржалар, брокерлик, маклерлик, дилерлик идоралари, агентликлар, савдо уйлари, тижорат марказларининг воситачилик хизматлари.

Ташқи савдо товарлар ва хизматлар билан экспорт-импорт операцияларини қамраб олади.

Ташқи савдо ҳажми ички савдо ҳажмида бўлгани сингари сотилган устига қўйилган тўлов миқдори билан ўлчанади. Ташқи савдода устига қўйилган тўлов (ялпи даромад) экспорт ва импорт операциялари билан шуғулланадиган барча иқтисодий бирликларнинг ушбу операциялар бўйича товарлар ва хизматларни сотиш ва харид қилиш нархлари ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Ташқи савдонинг ялпи ишлаб чиқариши статистика органлари томонидан ўтказиладиган махсус сўровлар асосида аниқланадиган асосий ташқи савдо ташкилотларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

“Тайёрлов” тармоғи тайёрлов ташкилотлари, тайёрлов ташкилотларига тегишли бўлган пунктлар ва бўлимлар, элеваторлар, дон қуритиш фабрикалари ва пунктлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлов идоралари, доривор хом-ашё тайёрлов ташкилотлари, корхоналардаги тайёрлов идоралари пунктлари, товар хом-ашё биржалари, брокер идоралари ва агентликлари, шунингдек қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари олди-сотдисида воситачилик хизматлари кўрсатадиган хусусий шахслар фаолиятини ўз ичига олади.

“Ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатиш” тармоғи ахборотни қайта ишлаш учун бозор фаолиятини, бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ахборот-ҳисоблаш хизмати кўрсатишини, дастурий таъминлашга доир маслаҳатларни, маълумотлар базаси барпо этилиши ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

“Кўчмас мулк билан операциялар” тармоғи ишлаб чиқариш – техник ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги кўчмас мулкнинг (турар жойдан ташқари) ташкилотлар (мулкдорлар) томонидан сотилиши ва ижарага (арендага) берилишини, ишлаб чиқариш-техник мақсадидаги кўчмас мулк, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк олди-сотдисида вауларни ижарага (арендага) беришда биржалар, брокерлик идоралари ва агентликларининг воситачилик хизматларини ўз ичига олади.

“Бозорларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича умумий тижорат фаолияти” тармоғи қуйидагиларни ўз ичига олади: товарлар, қимматли қоғозлар, валюта олди-сотдисида универсал, товар-фонд биржалари ва бошқа биржаларнинг, брокерлик идоралари ва агентликларининг воситачилик хизматлари, транспорт, уй-жой-коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасида воситачилик хизматлари, асбоб-ускуналарни созлашда, янги технологияларни меъёрига етказишда, “ноу-хау” патентлар, лицензиялар, бошқа муаллифлик ҳуқуқларини сотиш ва сотиб олишда, адабиёт ва санъат асарлари ижросига муаллифлик ҳуқуқини олиш ва беришда кўмаклашиш; реклама, намоиш қилиш хизматлари (кўргазмалар, учрашувлар ва ҳоказоларни ташкил этиш); аудиторлик фаолияти (тафтиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларини

тузиш ва текшириш бўйича хизматлар); маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молиялаштириш ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар.

“Фаолиятнинг бошқа турлари” тармоғи таҳририятлар ва нашриётлар фаолиятини, металл парчалари ва чиқиндиларни тайёрлаш ва уларни дастлабки қайта ишлашни, идорадан ташқари қўриқлашни ва бошқа тармоқларини ўз ичига олади.

“Уй-жой хўжалиги” тармоғи уй-жой фондидан, шу жумладан ётоқхоналардан, четдан келувчилар учун ётоқхоналар бундан мустасно, фойдаланиш хизматларини ўз ичига олади. Ушбу хизматларни Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таъмирлаш-фойдаланиш бошқармаси, корхоналар ва ташкилотларнинг уй-жой-коммунал бўлимлари, ўқув юртларининг ётоқхоналари, вазирликлар ва идораларнинг уй-жой бошқармалари кўрсатиши мумкин.

“Коммунал хўжалиги” тармоғи, ташқи ободонлаштириш хизматларини (санитария юзасидан тозалаш, шаҳарлар ва посёлкалар кўчаларини тозалаш ҳамда кўкаламзорлаштириш, шаҳар йўллари, кўприклардан фойдаланиш ва бошқалар), ташқи ёритишдан фойдаланиш, газ, сув, иссиқлик таъминоти, меҳмонхона хизматлари, хизмат биноларидан фойдаланиш, ёнғиндан муҳофаза қилиш хизматлари; коммунал хўжаликни хўжалик жиҳатидан бошқариш бўйича хизматларни ўз ичига олади.

“Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари” тармоғи фотография, ҳаммомлар, душ павильонлари, сартарошхонлар, квартираларни йиғиштириш, маълумотномалар бериш, топшириқларни бажариш, таржима қилиш бўйича ташкилотлар хизматларини, ломбард хизматларини, корхоналар томонидан кўрсатиладиган маросим

хизматларини, шунингдек хусусий шахслар томонидан бажариладиган шунга ўхшаш хизматларини ўз ичига олади.

“Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот” тармоғи касалхоналар, поликлиникалар, санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик оромгоҳлар, стадионлар, спорт клублари, ижтимоий таъминот муассасалари ва бошқа муассасалар фаолиятини ўз ичига олади.

“Таълим” тармоғи ўқув академиялари, университетлар, институтлар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрларини тайёрлаш бўйича бошқа ўқув юртлари, тайёрлаш ва малака ошириш курслари, болалар уйлари, мактабгача таълим муассасалари, шунингдек ушбу соҳада якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар хизматлари фаолиятини ўз ичига олади.

“Маданият ва санъат” тармоғи кутубхоналар, музейлар ва кўргазмалар, томоша корхоналари, клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радиоэшиттириш фаолиятини ўз ичига олади.

“Фан ва илмий хизматлар” тармоғи етакчи илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган муассасалар, конструкторлик ва лойиҳа ташкилотлари четга саноат маҳсулоти ишлаб чиқармайдиган тажриба заводлари, жорий этиш корхоналари ва ташкилотлари, илмий муассасаларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар фаолиятини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, номолиявий корхоналар сектори таркибига қуйидаги резидентликка мансуб бўлган институционал бирликлар киради:

- барча резидент номолиявий корхоналари, улар резидентликка мансуб бўлишидан қатъий назар;
- мамлакат иқтисодий ҳудудида жойлашган ва бир неча йиллардан бери номолиявий фаолият билан шуғулланиб келаётган норезидент корхона ва ташкилотларнинг филиаллари;
- барча резидент нотижорат ташкилоти (НТТ), асосий фаолияти ишлаб чиқариш ва номолиявий хизмат кўрсатувчи соҳалар билан шуғулланувчилар.

Айрим номолиявий корхоналар ва уларнинг шаҳобчалари асосий фаолиятлар билан биргаликда иккиламчи молиявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлганлар: масалан, ишлаб чиқарувчи ёки улгуржи савдо корхоналари ўзларининг миқдорларига истеъмол кредитлари бериши мумкин. Шу сабабли МХТ – 2008 нусхасига асосан уларни номолиявий корхоналар сектори таркибида ҳисобга олади. Номолиявий корхоналар секторини секторчаларга таснифлашда икки низом (критерия) дан фойдаланилади. Биринчи низом НТТни бошқа секторлардан фарқланишини, яъни бу бирликнинг нотижорат ташкилотлардан фарқи шуки, унинг фаолияти фойда олиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлардир. Иккинчи низом назорат қилишга мўлжалланган бўлади ва у айнан тенглаштиради (идентификацияланади):

- А) давлатнинг номолиявий корхоналари;
- Б) хусусий миллий номолиявий корхоналар;
- В) чет эл назоратидаги номолиявий корхоналар.

Тўлиқ номолиявий корхоналарнинг номолиявий корхоналар секторини секторчаларга бўлиш қуйидаги жадвал орқали ифодаланади

<i>Номолиявий корхоналар</i>	<i>Нотижорат корхоналар</i>	<i>Фойда олиш билан шуғулланувчи корхо- налар</i>
1.Давлат тасарруфида- ги номолиявий корхо- налар	Давлатнинг номолиявий нотижорат ташкилотла- ри	Давлат номолиявий ФОК
2.Хусусий миллий но- молиявий корхоналар	Хусусий миллий номо- лиявий НТТ	Хусусий миллий номо- лиявий ФОК
3.Чет эл назоратидаги номолиявий корхона- лар	Чет эл назоратидаги но- молиявий НТТ	Чет эл назоратидаги номолиявий ФОК

1-жадвал: Номолиявий корхоналар секторининг секторчалари

Тўлиқ номолиявий секторчаларни аниқлашда уларнинг аналитик ҳисоблари статистик маълумотлар олиш билан аниқланади.

Давлатнинг номолиявий корхоналари – давлат назоратидаги барча номолиявий корхоналар ва уларнинг шаҳобчаларидан иборат бўлади. Давлат ўз назоратини корхоналарнинг ишлаб чиқариш сиёсатини ўрнатишда ва директорлар тайинлаш орқали бажаради. Бундан ташқари, корхоналар акцияси 50 фоиздан ортиғини эгаллаши ёки акционерларнинг 50 фоизидан ортиқ овозини эгаллаш орқали ўз назоратини ўрнатади. Айрим ҳолларда эса махсус қонун, низом ёки буйруқ орқали ўз назоратини ўрнатади.

Хусусий миллий номолиявий корхоналар – таркибига давлат ва норезидент институционал бирликлар назоратидан ташқари барча номолиявий корхоналар ва уларнинг шаҳобчалари киради. Бундай корхоналар резидент бирликлар назоратида бўлиши мумкин, ёки уларни

умуман назорат қилмаслик эҳтимолига эга бўлиши мумкин. Бу секторчалар эса барча номолиявий фаолият билан шуғулланувчи нотижорат ташкилотлардан иборат.

Чет эл норезидентлари назоратидаги номолиявий корхоналар – бу, барча резидент номолиявий корхоналар ва уларнинг шаҳобчаларини норезидентлар назоратида фаолият олиш билан шуғулланувчи корхоналардир. Буларга барча норезидентларнинг шўъба корхоналари кирази.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакат бюджетини тўлдирувчи ишлаб чиқариш солиқлари асосан номолиявий корхоналар секторидан шаклланади. Бу секторнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у турли корхоналар, тармоқлар, соҳалар ва турли мулкчиликка оид корхоналардан ташкил топишидир. Бу секторга мамлакат ЯИМ даги улушининг 75% дан ортиқ ҳиссаси тўғри келади. Агар номолиявий корхоналар секторини ишлаб чиқариш натижавий кўрсаткичлар, тармоқлар ва мулкчилик шакллари асосида шакллантирса, бу сектор кўрсаткичларидан фойдаланиш даражаси юқори бўлар эди.

I-боб. бўйича хулоса

Институцион бирликларни аниқлаш ва уларни сектор ҳамда тармоқлар бўйича гуруҳлаштириш асосан секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатиш ва уларни таҳлил қилиш республика иқтисодий аҳволини тўлиқ тасвирлаш мақсадида амалга оширилади.

МХТда асосий эътибор алоҳида иқтисодий секторлар бўйича миллий бойлик кўрсаткичини, актив ва пассивларни таҳлил этишга қаратилган бўлади. Институционал бирликларни секторлар бўйича гуруҳлашдан

мақсад, даромад ва харажатлар оқими, шунингдек, молия-кредит, актив ва пасивларни ўрганишдир.

Институционал бирликларни аниқлаш ва уларни секторлар бўйича гуруҳлаштиришнинг концептуал асосини савол-жавоб орқали амалга оширилганини кўрдик.

Институционал бирликларни иқтисодий секторга гуруҳлашнинг асосий низоми (иқтисодиётнинг институционал секторлари) қуйидагилар:

- иқтисодий жараёнлардаги бажарадиган вазифалари асосида;
- харажатларни молиялаштириш асоси Институционал бирликлар секторларини гуруҳлашдан мақсад: даромадларнинг шаклланиши ва улар ўртасида даромадлар қандай тақсимланишини ўрганишдир.

Номолиявий корхоналар сектори тушунчасини қуйидагича талқин қилишимиз мумкин, унга кўра номолиявий корхоналар сектори таркибига қуйидаги резидентликка мансуб бўлган институционал бирликлар киради:

- барча резидент номолиявий корхоналари, улар резидентликка мансуб бўлишидан қатъий назар;
- мамлакат иқтисодий ҳудудида жойлашган ва бир неча йиллардан бери номолиявий фаолият билан шуғулланиб келаётган норезидент корхона ва ташкилотларнинг филиаллари;
- барча резидент нотижорат ташкилоти (НТТ), асосий фаолияти ишлаб чиқариш ва номолиявий хизмат кўрсатувчи соҳалар билан шуғулланувчилар.

Шундай қилиб номолиявий корхоналар сектори, бу даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилардир. Бунда қайси тармоқ бўлишидан қатъий назар даромад олиш ёки хизмат кўрсатиш орқали даромад олишидир.

1.2. Номолиявий корхоналар сектори иқтисодий фаолиятининг натижавий кўрсаткичларини ҳисобга олиш усули

Иқтисодий фаолиятнинг натижавий кўрсаткичлари барча босқичларда ҳисобланади, яъни ишлаб чиқарувчи бирликлар, тармоқлар, секторлар босқичларида ҳамда яхлит иқтисодиёт бўйича ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий фаолият натижаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, иқтисодиётни барча босқичлари, яъни тармоқ ва секторларини иқтисодий фаолиятини характерловчи ўзаро бир-бири билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Иқтисодий фаолият натижавий кўрсаткичлар тизимини ягона услубий асосида ҳисобланса, иқтисодиётни хоҳлаган босқич фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш, таққослаш ва айрим ишлаб чиқарувчи бирликлар, тармоқ ва секторларни иқтисодиётдаги тутган ўрни ва уларни кўрсаткичлари орқали яхлит иқтисодиётни характерловчи кўрсаткичларини шакллантириш мумкин бўлади.

Номолиявий корхоналарда ишлаб чиқариш натижалари энг аввало ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ) кўрсаткичи орқали қайд этилади. Ялпи ишлаб чиқариш ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган барча бозорга оид товарлар ва хизматлар қийматининг йиғиндисидан иборат. Халқаро амалиётда ЯИЧ кўрсаткичи иқтисодиётни натижавий кўрсаткичи деб ҳисобланмасада, ялпи қўшилган қийматни (ЯҚҚ) ҳисоблашда бошланғич кўрсаткич ҳисобланади. Шу сабабли бу вазиятда ЯИЧ ни аниқ ҳисоблаш тавсия этилади.

Иқтисодиётнинг тармоқ ва секторларида ЯИЧ кўрсаткичини ҳисоблаш усули турличадир. Қуйида номолиявий корхоналар секторида ЯИЧ кўрсаткичини ҳисоблаш усуллари кўриб чиқамиз.

Моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ЯИЧ кўрсаткичи қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

$$\text{ЯИЧ} = P + B + H + I + \Delta TM + \Delta \text{ТИЧ} \quad (1)$$

Бунда:

P-бозор баҳосида сотилган товар маҳсулотлари;

B-бартер усули билан алмашилган товарлар;

H-корхона ўз хизматлари учун меҳнат ҳаққи сифатида берган натура кўринишидаги маҳсулотлар;

I-корхоналар шахобчаларининг ўзаро бир-бирига берадиган товар маҳсулоти;

ΔTM -сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар захира қийматларини ҳисобот давридаги ўзгариши;

$\Delta \text{ТИЧ}$ -тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳажм қийматининг ҳисобот даврида ўзгариши.

Бундан ташқари бу формулани янада аниқроқ ифодалаш учун бир қанча кўрсаткичларни ҳисоблаш талаб этилади. Бунинг учун тайёр маҳсулотлар захираси ўзгаришини топамиз: Унга кўра,

$$\Delta TM = \Delta TM_{3_0} - \Delta TM_{3_6} \quad (2)$$

Бунда:

ΔTMZ_0 -захирадаги тайёр маҳсулотларнинг ҳисобот даври охиридаги қиймати;

ΔTMZ_6 -захирадаги тайёр маҳсулотларнинг ҳисобот даври бошидаги қиймати.

Бу тенгламадан фойдаланганда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

Маълумки, товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш давлари ҳар доим ҳисоблаш даврига мос келавермайди. Шу сабабли ЯИЧ ни ҳисоблаганда захиранинг ўзгаришини ҳисобга олиш керак. Захиранинг ўзгариши ҳисобланганда маҳсулотни захирага тушган вақтдаги, яъни ишлаб чиқариш вақтидаги баҳо билан ҳисоблаш керак. Маҳсулотни захирадан олиб, сотиш вақтидаги баҳолар билан маҳсулотни захира тушган вақтидаги баҳолар бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ МХТ да холдинг фойдаси (ёки зарари) деб юритилади. Бундай ҳолатларда захирадан сотишга олинган тайёр маҳсулотларнинг баҳолар ўзгариши ҳисобига ҳосил бўлган қўшимча (холдинг фойдаси) ёки йўқолган қиймат (холдинг зарари), унинг миқдорини қуйидаги тенглама орқали ҳисоблаш керак:

$$X_{\phi} = Q_3(L - M) \quad (3)$$

Бунда:

X_{ϕ} –холдинг фойда (+) ёки зарар (-);

L -сотиладиган маҳсулотнинг захирадан олинаётган вақтдаги баҳо қиймати;

M –товар маҳсулотнинг захирага тушгандаги баҳо қиймати;

Q_3 –захирага ёки захирадан олинаётган маҳсулотнинг миқдори.

Инфляция даражаси юқори бўлган ҳолатларда ЯИЧ кўрсаткичини ҳисоблашда X_{ϕ} —холдинг фойда (зарар) айириб ташланади ва (1) тенгламанинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$ЯИЧ=(P+B+N+I+\Delta TM+\Delta TIЧ) - X_{\phi} \quad (4)$$

Пулли хизмат кўрсатувчи тармоқларда (коммунал хўжаликлар, маиший и хизмат корхоналари, пулли маориф соҳалари ва бошқа) ялпи кўрсатган хизмат ҳақи тушумидан ҚҚС чегириб, ҳисобланади.

$$ЯХ=\sum \text{Тушим}-ҚҚС \quad (5)$$

Ялпи ишлаб чиқариш қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида харажат сифатида сарфланган товарлар ва хизматлар, яъни оралик истеъмол қийматини айирсак ялпи қўшилган қиймат ҳосил бўлади.

Ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи - бу, ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган меҳнат ҳақи, тўланган ишлаб чиқариш ва импорт соф солиғи, асосий фондлар истеъмоли ва олинган фойда миқдорлар йиғиндисидан иборат. Агар ЯҚҚ қийматидан асосий фондлар истеъмол миқдорини чегириб ташласа ҳосил бўлган миқдор соф қўшилган қиймат (СҚҚ) дейилади.

Ялпи қўшилган қийматдан тўланган иш ҳақини, ишлаб чиқариш ва импорт соф солиғи миқдорларини чегириб ташласа ҳосил бўлган миқдор институционал бирликлар, тармоқ ва иқтисодий секторларнинг ялпи фойдаси дейилади. Ялпи фойдадан асосий фондлар истеъмолини айирсак, соф фойда миқдори қолади.

Яъни,
$$\text{Соф фойда} = ЯФ - АФИ \quad (6)$$

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган молиявий ва номолиявий активларига эгаларига тўлаган ва олган тушумларининг айирмаси бирламчи даромадлар сальдоси дейилади. (Δ БД)

Номолиявий корхоналарни молиявий ва номолиявий активлардан фойдаланганлиги учун олинган бирламчи даромадлар қийматидан (ОБД) номолиявий корхоналар бошқа институционал бирликларини молиявий ва номолиявий активлардан (ер, фойдали қазилмалар, патент) фойдаланганлиги учун берилган бирламчи даромадларни (ББД) қийматини айирмаси номолиявий корхоналар секторининг бирламчи даромадлар сальдоси (БД) деб аталади ва уни ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичига бирламчи даромад сальдосини қўшсак, номолиявий корхоналар секторининг бирламчи даромадлар сальдоси (БДС) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

$$\text{БДС} = \text{ЯҚҚ} + \Delta\text{БД} \quad (7)$$

Номолиявий корхоналар секторини яна бир макрокўрсаткичи, бу ялпи ихтиёридаги даромад (ЯИД) кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич номолиявий корхоналарни четдан олинган жорий трансфертлар қийматидан четга берилган жорий трансфертлар миқдорини айирмасини сальдоси Δ ЖТ ни, БДС га қўшсак, номолиявий корхоналарнинг яна бир ялпи ихтиёридаги даромад (ЯИД) кўрсаткичи шаклланади, яъни:

$$\text{ЯИД} = \text{БДС} + \Delta\text{ЖТ} \quad (8)$$

Номолиявий корхоналар секторида пировард истеъмол харажатлари бўлмайди. Шу сабабли ялпи ихтиёридаги даромад кўрсаткичини миқдори номолиявий корхоналарни ялпи жамғариш кўрсаткичига тенг бўлади.

$$\text{ЯИД} = \text{ЯЖ}$$

Ялпи жамғариш бу, асосий капитал харажатларининг молиявий манбаи ҳисобланади, яъни асосий капитал йиғиндисидир. У ҳисобот даврида қурилган уй-жой ва иншоотларнинг, янги ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган машиналар, транспорт воситалари ва шунга ўхшаш асосий воситалар қийматидан сотилган ва рўйхатдан чиқарилган қийматларни айирмасига тенг.


Юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқроқ ҳисобга олиш ва ҳисоблаш муаммоларини ҳал қилиш учун шу соҳадаги илмий ишларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади. Номолиявий корхоналар секторининг ҳисобларини қуйидаги йўналишларда бажариш муҳим аҳамият касб этади:

- номолиявий корхоналар секторини ишлаб чиқариш ва даромадларнинг шаклланиш ҳисобларини таркибий кўрсаткичларини ҳисолаш усули;
- ҳисобларнинг бир-бири билан боғланган ҳолда ва буларга қўшимча ҳисобланган кўрсаткичлар билан биргаликдаги таҳлили;
- секторнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиш, сектор ривожланиш даражасини иқтисодий сиёсат ва бозор муносабатлари таъсирида секторнинг таркибий ўзгаришларини баҳолаш;
- номолиявий корхоналар секторининг тармоқларида акс этадиган иқтисодий жараёнлар таҳлили.

Миллий ҳисоблар тизимининг афзалликларидан бири ишлаб чиқариш билан бирга, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш операцияларидан иборат. Бу операциялар даромадларнинг шаклланиши, бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш ҳисоблари орқали бажарилади.

Даромадлар доимо узлуксиз доиравий ҳаракатда бўлади. Бунинг учун оддий бир тасвирни чизамиз.

1.2.1–Расм



Даромад турларини доиравий ҳаракати:

ЯФ – фойда, ИХ – иш ҳақи, ФИ – фойданинг истеъмол учун кетган қисми, ИХЖ – иш ҳаққининг жамғарилган қисми, ФЖ – фойданинг жами жамғарилган қисми, ЖИТ – жорий ижтимоий трансферти, ПИ – давлатни пировард истеъмоли, Н – ишлаб чиқариш ва импорт солиғи, С – ишлаб чиқариш ва импорт учун субсидия.

Бу тасвирдаги ишлаб чиқаришда олинган даромадларни доиравий ҳаракати шартли ифодаланган яъни такрор ишлаб чиқарилган уй хўжалиги катнашганлар учун олинган даромадини (иш ҳақи ва фойда бир қисмини ўзини пировард истеъмоли учун товар ва хизматлар учун сарфланишини, қолган қисмини жамғариш ва уни инвестицияда фойдаланиши ҳамда давлатни яратилган даромадларини қайтадан тақсимлаш жараёнлари ифодаланган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тасвирдан кўриниб турибдики даромадларни доиравий кетма – кет ҳаракати қуйидаги фазалардан иборат:

а) даромадларни шаклланиши;

б) тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

в) даромадларни пировард истеъмоли учун сарфланиши ҳамда жамғаришнинг иқтисодий жараёнларидан иборат.

Юқорида келтирилган жараён номолиявий корхоналар секторининг қуйидаги ҳисобларида ифодаланган:

1. Номолиявий корхоналар секторининг ишлаб чиқариш ҳисоби.
2. Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисоби.
 - 2.1. Даромадларнинг шаклланиш ҳисоби.
 - 2.2. Даромадларнинг бирламчи тақсимлаш ҳисоби.
3. Даромадларнинг қайта тақсимлаш ҳисоби.
 - 3.1. Даромадларнинг иккиламчи тақсимлаш ҳисоби.
 - 3.2. Даромадларнинг натура кўринишида тақсимлаш ҳисоби.
4. Капитал билан қилинадиган операциялар ҳисоби.

Энди юқорида санаб ўтилган номолиявий корхоналар сектори даромадлар шаклланишини тақсимлаш ҳисобини ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз:

Номолиявий корхоналар секторининг ишлаб чиқариш ҳисоби

Ишлаб чиқариш ҳисоби иқтисодиёт секторлари каби унинг тармоқларида ҳам тузилади. Ҳисобнинг тузилишини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1.2.2 – Расм

Номолиявий корхоналар секторининг ишлаб чиқариш ҳисоби

Номолиявий корхоналар секторининг ишлаб чиқариш ҳисоби – бу ҳисоб моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлари (ялпи маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмоли, қўшилган қиймат)нинг ҳосил бўлишини ифодалайди. Ҳисобнинг кўрсаткичлари ёрдамида, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усули орқали ҳисоблаш мумкин



Номолиявий корхоналар сектори ва тармоқларининг ишлаб чиқариш ҳисоби	
Фойдаланиш	Ресурслар
2. Оралиқ истеъмоли	1. Товарлар ва хизматларни ялпи ишлаб чиқариш, асосий баҳода
3. Ялпи қўшилган қиймат асосий баҳода ($T.3 = T.1 - T.2$)	
Жами: ($T.2 + T.3$)	Жами: ($T.1$)

Баланслаштирувчи моддаси



Ялпи фойда



Таҳлил қилишнинг асосий йўналиши



- * Ишлаб чиқариш таркиби ва иқтисодиётни таркибий силжишини таҳлили.
- * Ишлаб чиқаришга солиқ юкини таҳлили.
- * Иш унумдорлигини таҳлили.
- * Ишлаб чиқариш самарадорлик таҳлили.
- * Ишлаб чиқаришга турли омиллари таъсирини ўрганиш ва уни таҳлили.

Ишлаб чиқариш ҳисобининг ресурслар қисмида бозорга оид ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар кўрсатилган. Ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар асосий баҳода акс этган бўлиб, маҳсулотга солиқларни ўз ичига олмаган, аммо ўз таркибига маҳсулотга берилган субсидияни олган.

Фойдаланиш қисмида товарлар ва хизматларнинг оралиқ истеъмоли акс этган ҳамда баланслаштирувчи кўрсаткич бўлиб – ялпи қўшилган қиймат ўз аксини топган.

Ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар бизга маълумки, ҳисобот даврида, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган резидент бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг қийматини ифодалайди.

Бозор учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ўша давдаги бозор баҳоларида баҳоланади. Агарда маҳсулот шартли равишда сотиладиган даврдан олдин шарнома асосида (Форвард, опцион, фьючерс шартномалари) сотиладиган бўлса, жараён содир бўлаётган давр баҳоларида баҳоланади.

Бундан олдинги саҳифаларда ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичларига тўхталиб ўтганимиз сабабли бунга қайта мурожат қилмаймиз.

Оралиқ истеъмол – бу, маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида, ишлаб чиқариш харажати сифатида ишлатилган товарлар ва хизматлар қийматидир.

Оралиқ истеъмол (ОИ)харажатлари қуйидаги элементлардан иборат:

- А) моддий харажатлар;
- Б) номоддий хизматлар ҳақи;
- В) сафар харажатлари (кундалик харажатлардан ташқари);
- Г) бошқа оралиқ истеъмол харажатлари.

А) Хомашё материаллари харажатларига қуйидагилар киради:

- ✓ хомашё элементлари;
- ✓ ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган материаллар;
- ✓ ёқилғи ва энергияларни ҳамма турлари;
- ✓ ишлаб чиқариш жараёнида бошқа корхоналарнинг кўрсатган хизматлар қиймати;
- ✓ корхоналарга маҳсулотларни ташиш учун транспорт харажатлари;
- ✓ асосий воситаларни жорий таъмирлаш учун сарфланган эҳти-ёт қисм ва материаллар;
- ✓ ҳисоблаш марказларининг хизматлари;
- ✓ таралар ва қадоқлаш учун ишлатиладиган материаллар харажати;
- ✓ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда йўқотилган яроқсиз (брак) маҳсулотлар қиймати;
- ✓ ишчиларга олинган махсус кийим-бош ва оёқ кийимлар қиймати.

Б. Номоддий хизматлар ҳақида қуйидагилар киради:

- ✓ канцелярия ва алоқа харажатлари;
- ✓ маҳсулотлар сифатини назорат қилиб туриш ҳақи;
- ✓ илмий ва тажриба харажатлари ҳақи;
- ✓ иморат, машина ва асбоб-ускуналарнинг ижара ҳақи;
- ✓ кредит ва воситачилик бўйича молиявий хизматлар ҳақи;
- ✓ реклама ва молиявий хизматлар ҳақи;
- ✓ юридик хизматлар ҳақи;
- ✓ ўт ўчирувчилар ва қоровуллар хизмати ҳақи;
- ✓ малакали мутахассисларни тайёрловчи ўқув юртларининг хизмат ҳақи ва бошқалар:

В. Сафар харажатларига қуйидаги харажатлар киради:

- ✓ йўл транспортларининг хизмат ҳақи;

✓ меҳмонхона хизматлари ҳақи.

Г. Бошиқа оралиқ истеъмол харажатлари:

✓ хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш (ювиниш хона-си, тиббий ёрдам, маданият уйлари) харажатлари;

✓ кафолат ва таъмирлаш харажатлари;

✓ хизматчиларга ажратилган транспорт хизматлари ҳақи (агар корхона жамоат транспортдан узоқда жойлашган бўлса);

✓ ишчиларни ишга жалб қилиш хизматлари ҳақи;

✓ маҳсулотларни сотиш харажатлари ҳақи;

Оралиқ истеъмолга қуйидаги харажатлар кирмайди:

❖ капитал таъмирлаш (иморат, машина, қурилма, ерларни яхшилаш) харажатлари;

❖ корхона ўз хизматчиларига иш ҳақи сифатида натурал ҳолат-да берадиган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати;

❖ ердан фойдаланиш ижара тўловлари;

❖ қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш қиймати;

❖ ижтимоий-маданий харажатлари;

❖ давлат томонидан резервга олинган маҳсулотлар.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, ОИ учун сарфланаётган товарлар қийматини сотиб олинган вақтдаги баҳода эмас, балки ишлатилаётган вақтдаги бозор баҳосида ҳисобланиши керак.

Юкоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ОИ ни ҳисоблаш учун қуйидаги тенглама (формула) тавсия этилади:

$$ОИ = С - \Delta ХМ$$

С - ҳисобот давридаги сотиб олинган хом ашё ва материаллар қиймати;

ΔXM - ҳисобот даврида захирадаги хом ашё материал захирасини ўсиши ёки камайиши, у тенг

$$\Delta XM = S_1 - S_0$$

S_0 - хом ашё материалнинг захирага тушган пайтдаги қиймати.


S_1 - хом ашё материалнинг захирадан олиб ишлатиш вақтидаги қиймати.

1.2.3-Расм

Даромадларнинг шаклланиш ҳисоби

Даромадларнинг шаклланиш ҳисоби – бу ҳисоб ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ иқтисодий операцияларни тақсимлашни ифодалайди. Ҳисобнинг кўрсаткичлари асосида ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш усули билан ҳисоблаш мумкин.

Номолиявий корхоналар сектори ва тармоқларнинг даромадларнинг шаклланиш ҳисоби	
Фойдаланиш	Ресурслар
2. Ёлланган хизматчиларни меҳнат ҳақи 3. Бошқа ишлаб чиқариш солиғи 4. Бошқа ишлаб чиқариш учун субсидия (-) 5. Ялпи фойда ва аралаш даромад (Т.5=Т.1-Т.2-Т.3+Т.4)	1. Ялпи қўшилган қиймат
Жами: (Т.2+Т.3-Т.4+Т.5)	Жами: (Т.1)



* ЯҚҚни даромадлар бўйича таҳлил, ялпи фойдани шаклланиш жараёнини ва давлатни солиқ сиёсатини таҳлил қилиш.

* Меҳнат ҳақини ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш

* Меҳнат ҳақини секторлари ва тармоқлардаги улушини ва йиллар бўйича силжишини таҳлили

* Иқтисодиёт, секторлар ва тармоқларда даромадларни (меҳнат ҳақи, соф солиқ ва ялпи фойда ва аралаш даромадлар) динамикасини таҳлили.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счётида номолиявий корхоналар секторида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш мобайнида яратилган даромадларнинг тармоқлар ўртасида бирламчи даромад сифатида тақсимланиш жараёни кўрсатилади. Бирламчи даромад деганда, институционал бирликларнинг ишлаб чиқаришда қатнашганликлари туфайли тўланиши лозим бўлган даромадлардан ва ўзларига қарашли мулкдан бошқалар ишлаб чиқаришда фойдаланилганликлари учун тўлашлари лозим бўлган тушумлардан иборат.(1.2.4-Расм)

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счётининг тузилиши секторларнинг бирламчи даромадига қараб, турли кўринишда бўлади.

Юқоридаги счётларни умумий кўринишидан кўриниб турибдики счётни баланслантирувчи кўрсаткич иқтисодиётда ялпи миллий даромад, секторларда эса бирламчи даромад қолдиғидир.

Ялпи ички маҳсулот товарлар ва хизматлар оқимини, ялпи миллий даромад эса даромадлар оқимини ўлчайди. ЯИМ билан ЯМД-нинг фарқи ташқи дунёдан олинган ва ташқи дунёга берилган бир-ламчи даромадларни айирмасига тенг.

Номолиявий корхоналар секторининг бирламчи даромадларнинг тақсимлаш счётининг ўнг тарафида сектор томонидан олинган бирламчи даромадларнинг турлари ёзилади. Счётнинг чап тарафида эса, номолиявий корхоналар сектори томонидан бирламчи даромад сифатида бошқа секторларга ва норезидентларга мулк учун тўланган даромадлар кўрсаткичи ва иқтисодиёт секторларининг бир – биридан ва норезидент

бирликлардан олинган бирламчи даромадлари ҳамда уларга тўлангани ўртасидаги фарқ – бирламчи даромадлар салъдоси кўрсаткичи ёзилади.

Даромадларни иккиламчи тақсимлаш ҳисоби

Даромадларнинг иккиламчи тақсимлаш ҳисоби – бу ҳисобда институционал бирликлар ва секторлар ўртаси олинган ва берилган жорий трансфертлар (даромад ва мулк учун жорий солиқлар, ижтимоий суғурта ажратмалари, ижтимоий тўловлар, суғурта мукофотлари ва тўловлари, жарималар, нафақалар, инсонпарварлик ёрдамлар ва ҳ.к.) сифатида қайта тақсимлаш натижасида ихтиёрдаги даромадларнинг ҳосил бўлиши жараёни акс эттирилади. Даромадларнинг иккиламчи тақсимлаш ҳисобиини кўрсаткичлари орқали иқтисодиётни ялпи миллий ихтиёрдаги даромадни ҳисобланади.

Номолиявий корхоналар секторининг даромадларнинг иккиламчи тақсимлаш счёти	
Фойдаланиш	Ресурслар
3. Бошқа секторлар, резидентлар ва ташқи дунё берилган жорий трансфертлар	1. Ялпи бирламчи даромадларнинг сальдоси
4. Ялпи ихтиёрдаги даромад ($T.4 = T.1 + T.2 - T.3$)	2. Бошқа секторлар, резидентлар ва ташқи дунёдан олинган дорий трансфертлар
Жами: ($T.3 + T.4$)	Жами: ($T.1 + T.2$)

Баланслаштирувчи моддаси

Ялпи ихтиёрдаги даромад

Таҳлил қилишнинг асосий йўналиши

⁶ Манба: доц.Қорабаев.А.Р томонидан тайёрланган.



- * Товарлар ва хизматларга бўлган ялпи талабни қондириш, истеъмолларга бўлган аниқ потенциал имкониятларини аниқлаш;
- * Солиқ сиёсатини таҳлили; секторлар ўртаси қанчалик оптимал солиқ тўлов тақсимланиши ва уни даромадларга боғлиқлиги аниқлаш;
- * Аҳоли турмуш даражасини аниқлаш, жон бошига тўғри келадиган ялпи ихтиёридаги даромадларни таҳлили (реал ва номинал қийматларда)

Капитал билан қилинадиган операциялар ҳисоби

Активлар-бу, институционал бирликлар қўлидаги мулк бўлиб, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи туфайли эгалари улардан иқтисодий даромад топадилар. Улар мулк объекти бўлганлиги сабабли захирадаги қиймат кўринишида намоён бўлади. Мулкнинг қиймат ифодаси МҲТ да иқтисодий актив маъносини беради. Иқтисодий активнинг миқдори (кўлами) олинган иқтисодий даромад ҳажмига, шунингдек, муайян даврда улардан фойдаланганлик даражасига ҳам боғлиқ. (2.2.7-Расм) Активлар икки турдаги ресурслардан ташкил топади:

- моддий (номолиявий) ресурслар;
- молиявий ресурслар


Моддий айланма воситалар ва моддий-товар маблағлари захиралари таркибига қуйидагилар киради:


- ишлаб чиқарувчилардаги тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмлари;
- оралиқ истеъмол учун четдан сотиб олинган хом-ашё, маблағ ва ярим фабрикатлар ҳажмлари;
- муомаладаги товар газламалари ва давлат ихтиёридаги захиралар.

Асосий фондлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳ активларидан иборат:

- моддий тикланадиган активлар, яъни яшаш жойлари, ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш ишлари, ускуналар, ишлаб чиқарилган табиий ресурслар, бадий асарлар;
- номоддий тикланадиган активлар, яъни тадқиқотлар ва изланишлар, компьютер дастурлари, адабиёт ҳамда санъат

Иқтисодий активлар-якка ёки жамоа институцион бирликларнинг эгалик ҳуқуқи туфайли ва уларни ишлатганда, бошқа бирликларга фойдаланишига берганда ҳақда алмашганда иқтисодий наф келтириши мумкин бўлган иқтисодий объектларга айтилади.





1.2.6-Расм. Иқтисодий активлар таснифи

Моддий активлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги активдир. Номоддий активлар моддий кўринишида бўлсада, улар номоддий эҳтиёжни қондиради.

Иқтисодиётнинг соф активи, яъни хусусий капиталнинг ўзгариши жуда ҳам мураккаб ва комплекс миқдор бўлиб, у қуйидаги қатор омиллар таъсирида шаклланади:

- жамғарма ва соф трансферт капитал;
- активлар таркибидаги турли ўзгаришлар;
- холдингнинг номинал фойдаси ёки зарари.

Капитал жамғарма шаклланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдори мавжуд (ихтиёридаги) даромаддан фойдаланиш балансининг қолдиғига боғлиқ. У мавжуд даромад билан пировард истеъмол ўртасидаги фарққа тенг. Капитал билан муомала ҳисобида соф жамғарма (истеъмол қилинган асосий фондларнинг қийматини айириб ташлагандан кейинги умумий жамғарма миқдори) хусусий капиталнинг ўзгаришида биринчи ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Трансферт асосан капиталнинг шаклланишига таъсир қилувчи иккинчи омил бўлиб ҳисобланади. У воситаларнинг бир юклама ҳаракатини товарларнинг

қарама-қарши оқимсиз акс эттиради. Капиталнинг шаклланишини тавсифловчи кўрсаткичлар таркибида трансферт капитал икки томонлама ҳисобга олинади:

- олиш учун трансферт капитал (+);
- тўлаш учун трансферт капитал (-)

Олиш ва тўлаш ўртасидаги фарқ трансферт капиталнинг соф миқдорини ташкил қилади. Жамғарманинг соф миқдори ва соф трансферт капитал миқдоран қуйидаги алгебраик жамламага тенг:

- а) асосий капитал ялпи жамғармасининг қўшимча ўсиши;
- б) истеъмол қилинган асосий капитал (айириб ташланади);
- в) моддий айланма маблағлар жамламасидаги ўзгаришлар;
- г) сотиб олинган ва сотилган номолиявий тикланмайдиган фоизлар фарқи;
- д) сотиб олинган ва сотилган номолиявий тикланмайдиган активлар ўртасидаги фарқ;
- е) соф кредитлаш (+), соф қарз олиш (-).

Берилган кредитдан олинган қарз айириб ташланса соф капитал келиб чиқади.

Капитал билан қилинадиган операциялар ҳисоби ва унинг кўрсаткичларини ҳисоблаш

Бу ҳисоб капитал харажатлар учун молиявий ресурсларнинг шаклланиши билан ва уларнинг асосий фондлар, моддий айланма маблағлари ва номоддий ишлаб чиқарилмаган активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган операцияларни ифодалайди.

1.2.7-Расм

Ҳисобнинг умумий кўриниши

Номолиявий корхоналар секторининг капитал билан қилинадиган операциялар ҳисоби	
Фойдаланиш	Ресурслар
4. Асосий капиталнинг жамғармаси 5. Айланма моддий маблағлар захирасининг ўзгариши 6. Соф сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар 7. Соф сотиб олинган ер ва ишлаб чиқарилмаган (моддий ва номоддий) активлар 8. Соф кредит (+) ёки соф қарз (-) $8=1+2-3-4-5-6-7$	1.Ялпи жамғариш 2.Бошқа сектордан (резидент) ва ташқи дунёдан олинган капитал трансфертлар (+) 3.Бошқа секторларга ва ташқи дунёга берилган капитал трансфертлар (-)
Жами: $(4+5+6+7+8)$	Жами: $(1+2-3)$

Операцияларни молиялаштириш манбаи ҳисобнинг ресурс қисмидаги ялпи жамғариш ва соф капитал трансфертдан иборат. Бунда молиялаштиришнинг асосий манбаи даромаддан фойдаланиш ҳисобидан ўтган ялпи жамғариш бўлади. Молиялаштиришнинг яна бошқа манбаи ташқи дунёдан олинган ва ташқи дунёга берилган капитал трансфертларнинг айирмаси ҳисобланади.

Капитал трансфертлар таркибига қуйидагилар киради:

- капитал учун солиқ (институционал бирликлар мол-мулкларини бир-бирларига берганликлари учун тўланадиган тўловлар, мерос учун қолдириладиган уй-жой учун тўланадиган тўловлар);
- инвестиция субсидиялари- давлат бюджетида резидент ёки норезидент бирликларига қайтиб олмаслик шарти билан сотиб олиб берилган асосий воситалар, куриб берилган уй-жойлар. Асосий мақсад ялпи асосий фондлар жамғармасини ташкил қилиш;

- бошқа капитал трансфертлар, табиий офатлардан кўрган зарарларни қоплаш учун берилган субсидиялар, корхоналарнинг қарзларини ёпиб юбориш кабилар.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида қуйидагилар ифодаланади:

- асосий фондларни ялпи жамғарма кўрсаткичи янги (ҳисобот даврида) қурилган уй-жой ва иншоотлар, сотиб олинган машиналар, қурилмалар, транспорт воситалари, станок қийматидан ва шуларга ўхшаш сотилган асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматларининг айирмаси йиғиндисидан иборат.

- моддий айланма маблағлар (хом-ашё, бутловчи материаллар, ёқилғи, майда асбоб-ускуналар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар) захирасининг ҳисобот даври бошидан охирига қадар ўзгариши ёзилади.

- соф сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар кўрсаткичида барча сотиб олинган қимматбаҳо (зебу-зийнат, санъат асарлари, олтин ва кумуш каби металллар) буюмлар қийматларининг айирмаси ёзилади.

- соф сотиб олинган ер ва ишлаб чиқарилган номоддий активлар (патентлар, лицензиялар, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқалар) қиймати киради.

- соф кредит ёки соф қарз ҳисобнинг баланслантирувчи кўрсаткичидир.

**II-боб. Номолиявий корхоналар сектори иқтисодий фаолияти
жараёнларини миллий ҳисоблар тизими ҳисоб кўрсаткичлари асосида
иқтисодий таҳлил қилиш асослари**

**2.1. Миллий ҳисоб тизими кўрсаткичлари таҳлилининг
услубий асослари**

Таҳлил – ҳар қандай статистик изланишларнинг якуний босқичидир. Иқтисод ривожланишининг таҳлили, одатга кўра ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни

аниқлаш; алоҳида омилларни иқтисодий фаолият натижаларига таъсир доирасини ўрганиш; назарий хулосалар қилиш; қўлланилаётган статистик услубларни кейинги ривожланишини мақсадга мувофиқ эканлигини асослаш; ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши ва уларнинг самарадорлиги бўйича амалий хулосаларни аниқ ифода қилиш учун ўтказилади. Номолиявий корхоналари кўрсаткичларини иқтисодий-статистик таҳлил, маълум бир принципларга асосланган ҳолда, иқтисодий ва статистик гуруҳларга ажратилиб ўтказилиши керак:

Иқтисодий принциплар, иқтисодий қонунлар ҳаракатининг акси; ўтказилаётган иқтисодий сиёсат моҳиятини ёритиш ва уларни амалга оширишдаги кўмаги ва рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама статистик ҳарактеристикаси ва уларнинг натижаларини ҳаққоний акс эттириш асосида иқтисодий муаммоларни ҳал қилишлари киради. Уни таҳлили тармоқлари ва корхоналарини алоҳида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва уларни натижалари умумий ижтимоий-иқтисодий талабларига жавоб бериши керак.

Статистик принципларга – таҳлил мақсад ва вазифаларини белгилашдаги аниқлик, кўрсаткичларни методологик таққослаш; сектордаги объект ёки жараёни билдирувчи кўрсаткичлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ва уларни статистик тавсифининг уйғунлиги ва тўлиқлиги киради. Берилган қоидаларга статистик таҳлил услублари билан бир қаторда риоя қилиш, иқтисодий жараёнлар ва секторни халқаро ҳисоб ва статистика методологиясига мувофиқ равишда ўрганиш имкониятини беради.

Номолиявий корхонлар таҳлилининг мақсади умумий қонунийлик, иқтисодиётни иқтисодий ривожланишидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносиблик, иқтисодий жараёнларни алоҳида ҳисобларда ва секторда тўлалигича акс этувчи ривожланишининг асосий тамойилларини аниқлаш тавсифидир.

Таҳлилнинг мақсад ва вазифаларига қараб у қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- тизимнинг алоҳида ҳисоб кўрсаткичларининг таркибига қараб таҳлили;
- ҳисобларни бир-бири ва уларни кўрсаткичларини ўзаро қўшилган ҳолда бирга таҳлили;
- сектор кўрсаткичларини ўсиш суръатида таҳлили нафақат корхона ва тармоқлар кўрсаткичлари ҳажмининг асосий ўзгаришларини, балки уларни ўзаро муносабати, тузилиши ва мутаносиблигини аниқлаш. Таҳлилнинг бу йўналиши турли йиллардаги сектор кўрсаткичларини қиёсий (солиштирма) нархлар билан қайта баҳолаш зарурати билан боғлиқ:
- номолиявий корхоналар секторида акс этувчи (маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш; бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш ва жамғарма учун ишлатиш) алоҳида иқтисодий жараёнларни тавсифи;
- секторни алоҳида тармоқларини ривожланиш таҳлили, уларни Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қўшаётган ҳиссасини аниқлаш;
- алоҳида тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таҳлили, уларни ривожланиш даражасини баҳолаш,

иқтисодий сиёсат ва бозор муносабатлари таъсири остида иқтисод тармоқларининг тузилишини ўзгариши;

Таҳлилнинг бу йўналишлари қатор вазифаларни ечишда ёрдам беради:

1) миллий иқтисодиётнинг вилоятлар, тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим натижалари ва мутаносиблигини тасвирлаб бериш;

2) турли мулк шаклларидаги корхоналар, иқтисодий тармоқлар ва соҳаларнинг оралиқ истеъмоли ва ялпи маҳсулот ва хизматлари ишлаб чиқаришини акс эттириш;

3) иқтисодиёт тармоқларида ялпи қўшилган қийматнинг шаклланиши ва уни ялпи ички маҳсулот ҳосил бўлиш жараёни таъсирида таҳлил қилиш;

4) секторда даромадни ҳосил бўлиш жараёнини ўрганиш, меҳнат фаолияти бўйича даромад, хусусий мулк даромадлари, корхона эгаларининг даромадлари ўсиши ва ундан янги даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун сотиб олинган асосий фондларнинг қийматлар йиғмасини аниқлаш;

Энди номолиявий корхоналар секторини счётларини кўрсаткичлари таҳлил қилишни умумий асосларини кўриб чиқамиз:

1. Ишлаб чиқариш ҳисоб таҳлилининг асосий йўналишлари. Бу ҳисоб бошқа ҳисоблар асосида ётиб, катта таҳлилий аҳамиятга эга. У ялпи ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибини бир неча йўналишлари бўйича таҳлил қилиш имкониятини беради. Биринчидан, моддий хизматлар (маҳсулотлар) ва номоддий хизматлар улушини ялпи ишлаб чиқариш бўйича умумий ҳажмда аниқлаш ёрдамини бериб,

сектор фаолиятини қай тарзда ривожланаётганини билиш мумкин. Иккинчидан, у алоҳида тармоқлар ва соҳаларнинг ялпи ишлаб чиқариш улушини ва ялпи қўшилган қийматини умумий ялпи ишлаб чиқариш бўйича ва маҳсулотлар ва хизматлар ЯҚҚсида ҳисоблаш имконини беради; турли тармоқлар, соҳалар ва бутун бир мамлакат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва шунингдек турли хизмат кўрсатиш турларини яратиш учун сарфланган жонли ва моддийлаштирилган меҳнат улушини баҳолаш мақсадида уларни табиий-ашёвий ва қиймат тузилишини аниқлаш.

Чуқур таҳлил учун ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бошқа тармоқларни ишлаб чиқариш ҳисобларини таққослаш мақсадга мувофиқдир. Ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қийматнинг солиштирма баҳоси, иқтисоднинг алоҳида тармоқ ва соҳаларидаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини кўрсатади.

Таҳлил учун мустақил қизиқиш оралиқ истеъмоли (ОИ) кўрсаткичи асосида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун сарфланаётган харажатларни тақдим этиши, яъни ялпи ишлаб чиқаришни оралиқ истеъмолга муносабати, шунингдек оралиқ истеъмоли таркиби, уни жорий маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (сотиб олинган ва маҳаллий ишлаб чиқарилган) учун сарфланган ОИ да солиштирма парклардаги қийматидир.

Ушбу ҳисоб таҳлилининг муҳим йўналиши маҳсулот яратишда ва жонли меҳнат сарфининг улушини аниқлашда ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш таҳлили ҳисобланади, бу ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш учун қўшилган захираларни

излаш нуқтаи назаридан муҳим. Оралиқ истеъмол учун сарфланган маҳсулот ва хизмат улушини, амортизация улуши ва ялпи ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат улушини аниқлаш ва уларни динамикада ўзгаришини кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни шаклланиш ҳисобининг асосий вазифаси – ишлаб чиқариш натижаларига кўра даромад шаклланишини кўрсатиш: ёлланма ишчилар меҳнатига тўлаш, бошқа ишлаб чиқариш ва солиқларни тўлаш, ялпи фойда шаклланиши.

Иш ҳақи тўлови ва ЯҚҚнинг ўзаро ўсиш суръати нисбати – жонли меҳнатнинг самаралиги ҳақида яна бир кўрсаткичдир. Ялпи даромад ва хизмат ҳақи тўловининг ўсиш суръатини солиштириш, улар орасидаги эгилувчанлик коэффициентининг ҳисоби таҳлилини чуқурлаштиришга имкон яратади.

Даромадларни шаклланишини таркибининг таҳлили ЯҚҚда солиққа тортиш ва иш ҳақи тўловининг улуши ўзгариши эвазига ялпи даромаднинг ўзгараётган улушини аниқлашга имкон беради. Ушбу ҳисобнинг маълумоти ЯҚҚ кўрсаткичлари ҳажмини алоҳида компонентлар бўйича ҳисоблашга имкон беради. Масалан, ЯҚҚ бирлигига ёлланган ишчилар хизмат ҳақинининг қанча миқдори тўғри келади. Тескари кўрсаткич ЯҚҚ ҳажмини ифодалайди, 1 бирликка тўғри келадиган хизмат ҳақи тўлови (хизмат ҳақини бериш).

Қишлоқ хўжалиги тармоғида, ўртача ойлик иш ҳақи тўловининг солиштирма ўсиш суръатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳисобга ўтказилган фонд иш ҳақи тўлови, йиллик иш натижасига кўра мукофот ва бир марталик мукофотни ўз ичига камраган ҳолда бўлиш орқали ҳал қилинади.

2. ҳисобнинг жорий нархлар билан асосий кўрсаткичларининг таҳлили уларнинг номинал аҳамияти ўзгариш тенденциясини кўрсатиш учун ишлатилади, шунингдек ҳисобнинг компонентлар ўртасидаги таркибий нисбатини: солиқ улуши, иш ҳақи тўлови ва ялпи даромад улушини кўрсатади. Масалан, ЯҚҚда иш ҳақи тўловини тўлашни қисқартириш, иқтисоднинг ҳамма соҳасидаги ишчиларининг даромади тушишига сабаб бўлишини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нархларни таққослашдаги ҳисобнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили ЯҚҚ бўйича индекс-дефляторни ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Ушбу йўлни омиллик даромаднинг динамикасини таҳлил қилишда ҳам қўллашни тавсия қилишади.

Физик ҳажм кўрсаткичлари динамикаси ҳисоби таҳлили инфляция таъсирини бартараф қилиш ва реал ривожланишни аниқлаш, иқтисоднинг аҳволи ва даромадларнинг ўзгаришини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Аммо, таҳлилнинг бу йўналишини амалга ошириш, тавсифи жисмоний ҳажм ҳисоб компонентлари даромаднинг пайдо бўлиши ва муаммони ҳал қилишига боғлиқдир.

3. ушбу ҳисобдаги даромад кўрсаткичи – бу ўз тузилишига яраша қийин кўрсаткичлардан биридир. Аслини олганда, меҳнат фаолияти ва давлат солиқларидан ташқари, ҳамма даромадларнинг йиғиндисидир. Бу ҳам сармояни ишлатиш, ҳам ундан келган даромад, ердан олинган даромаддир. Буларнинг барчаси сармояга ва бошқа активларга инвестиция қилиш учун ишлатилади.

4. даромадларнинг шаклланиш ҳисоби таҳлилининг алоҳида йўналиши, даромаднинг асосий кўрсаткичлари иқтисодиётдаги

машғул бир шахсга ва мамлакатнинг бир аҳоли жон бошига тўғри келадиган таҳлилдир.

5. бир ишчи кучига меҳнатнинг унумдорлиги ва меҳнат тўлови ўсиш суръатининг солиштирмаси бу ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичининг биридир. Унинг таҳлили шуни кўрсатадики, маълум бир вақт ичида бир ишчининг ишлаб чиқариш ва меҳнат тўловининг ўзаро муносабати маълум бўлади. Келаси таҳлиллар даромад ҳосил бўлиши ҳисобининг алоҳида қисмларида кўриш мумкин. Даромаднинг келиб чиқиш ҳисобининг солиштирма таҳлили, маҳсулот ишлаб чиқариш ва номоддий хизматлар соҳасида ўзгача бир қизиқиш уйғотади. Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизматлар соҳасида даромад келиб чиқиши қандай кечганлигини аниқлашга ёрдам беради.

6. даромадни тақсимлаш ҳисоблари таҳлилининг асосий йўналишлари. Ушбу ҳисоблар солиқлар ҳақидаги маълумотларнинг ва солиқнинг мукамал қисмлари ва иқтисоднинг тармоқлари манбаи бўлиб хизмат қила олади. Улар асосида тўланган солиқлар миқдори ва барча даромад кўрсаткичларини ва бирламчи даромад салдосини боғлаш мумкин. Меҳнатдан даромад улушини топиш сармоя ва аралаш даромадларни қайси даромаддан келиб чиқишини кўриш мумкин. Ушбу ҳолда, давлат бошқарув органлари ўз солиқ сиёсатларини: солиқ тўловлари тармоқлар ичида қанчалик мақбул тақсимланганлиги ва иқтисодга қўшаётган ҳиссаларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар.

Даромад кўрсаткичи таҳлилининг ижтимоий трансфертлар билан боғлаш керак. Ижтимоий трансфертлар аслида жорий тўловларни ва

алоҳида шахсларга ижтимоий-маданий хизматларни кўрсатиш натижасини қайта тақсимлашни билдиради. Замонавий шароитда, трансфертлар инфляцияси жуда кенг тарқалиш хусусиятига эгадир. Ушбу ҳолда, ўрнатилган даромад ва унинг сарфланиши табиий ижтимоий трансфертлар ҳажмига ўзгартирилади.

Даромадни тақсимлаш ҳисоб кўрсаткичлари таҳлили, даромад олиш ва бериш сектор бирликларининг иштирокини баҳолаш имкониятини беради. Ушбу ҳисоб даромад оқими: фойдалар, иш ҳақи учун олинган тўлов даромад; фойда тузилишини аниқлаш, масалан, корхона мулкдан даромадни ажратиш ва ўзлаштириш; иқтисоднинг тармоқларида солиқ турларини ажратиш имкониятини беради.

7. номолиявий корхоналар секторини счёт кўрсаткичларини умумлаштирувчи муносабат таҳлили учун иқтисодий-статистик усуларни қўллаш, кўрсаткичларнинг ўзаро муносабати ва мутаносиблигини ўрганишни, биринчидан, ишлаб чиқариш омилларининг миқдорий баҳоланиши иқтисодий фаолиятга аниқлашдан иборат. Шу ўринда, натижавий кўрсаткич сифатида ялпи ишлаб чиқариш, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад олиш мумкин. Ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омилларидан бири бу, иқтисодда ишловчиларнинг сони, оралиқ истеъмол, асосий фондлар, экспорт ва импорт кўрсаткичларидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, натижавий ва омиллик кўрсаткичлар тушунчаси икки ёқламадир: битта кўрсаткич ҳам омиллик ҳам натижавий бўлиб кўздан кечирилиши мумкин, яъни ҳаммаси таҳлилга қўйилган вазифага боғлиқ. Масалан, ЯҚҚ асосий омиллардан бири бўлиб, у фонднинг динамикасини ва тузилишини

аниқлаштиради, чунки унинг маълум бир сони сармоялашга ишлатилади. Бир вақтнинг ўзида ҳажм, тузилиш ва асосий фондларнинг ишлатилиши ЯҚҚнинг динамикаси ва тузилишига тобедир. Бундан ташқари статистик таҳлил натижалари (яъни, ҳисобланувчи кўрсаткичлар параметрлари) моделга қайси омиллар қўшилганлигига боғлиқдир. Шунинг учун, моделга қўшилган омилларни қўшилиши, омилга аввал қўшилган коэффициентларни ўзгартиради.

Индекс омиллик таҳлилини қўллаш, натижавий кўрсаткич турли омиллар таъсирида статистик баҳолаш имкониятини беради. Омиллик белги сифатида, ЯҚҚ ёки миллий даромад учун икки кўрсаткич ишлатилади: иқтисодда бандлик сони (ишланган вақт, T) ва меҳнатнинг самарадорлиги, бандларнинг ўртача сонига (ишланган вақтга нисбатан, W) натижавий кўрсаткич муносабати ҳисобланади.

Шунинг учун, қуйидагини ёза оламиз:

$$Q = TW \quad (2.1.1)$$

Бу ерда: Q – ялпи ишлаб чиқариш қиймати, ЯҚҚ ёки миллий даромад. У ҳолда, натижавий умумий ўсиш ($\Delta Q_{\text{умум}}$) қуйидаги компонентлардан ташкил топади:

$$\Delta Q_{\text{умум}} = \Delta Q_T + \Delta Q_w, \quad (2.1.2)$$

ΔQ_T ва ΔQ_w – ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги ҳисобига ўсиш.

Қуйидаги ўсиш миқдори ушбу формулалар бўйича аниқланади:

$$\Delta Q_T = (T_1 - T_0) W_0; \quad (2.1.3)$$

$$\Delta Q_w = (W_1 - W_0) T_1. \quad (2.1.4)$$

Ялпи ички маҳсулот (ёки миллий даромад) билан бир қаторда уч омил функцияси сифатида тақдим этиш мумкин: иқтисодда бандлар сони, фондлар ва фонд қайтими. Ушбу ўзаро мутаносибликни қуйидаги тенглама орқали кўрсатиш мумкин:

$$Q = \frac{Q}{K} \cdot \frac{K}{T} \cdot T. \quad (2.1.5)$$

Бунда: K – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млрд руб.;

$\frac{Q}{K}$ - ЯИМ ва ЯМД бўйича фонд қайтими, руб.;

$\frac{K}{T}$ - меҳнатни фонд билан қуроллантириш, минг руб.

У ҳолда, ҳар бир омилнинг ЯИМ динамикасига таъсирининг миқдорий қиймати қуйидагича аниқланади:

Счёт кўрсаткичлари: ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичларини динамикасини тузиб улар ўртасида муносабатларни аниқлаш орқали тармоқ ва секторларни самарадорлигини аниқлайди, яъни: **Место для формулы.**

$$K_c^p = \frac{VDS}{\sum VV} \quad (2.1.6)$$

бунда; K_{it} – секторнинг t йилдаги самарадорлик коэффициенти;

VDS – секторни t йилдаги ялпи қўшилган қиймати;

VV – секторни t йилдаги ялпи ишлаб чиқариш қиймати.

Самарадорлик коэффициенти “ K ” маълум секторни шаклланишини ижобийлиги ёки салбий тенденциясини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш счётини маълумотларига асосланган иқтисодий таҳлилнинг асосийларидан бири оралик истеъмол улушининг ўзгаришини ўрганишдир. Сарфланган оралик истеъмол харажатини ялпи ишлаб чиқариш қийматига бўлсак, харажатлар сифими коэффициенти аниқланади, яъни:

$$K_{it}^z = \frac{PP_{it}}{VV_{it}} \quad (2.1.7)$$

бунда; PP_{it} - секторни t йилдаги оралик истеъмол харажати.

Юқорида таҳлил қилиш учун тавсия қилинган кўрсаткичлардан ташқари харажатлар самарадорлик кўрсаткичларини тавсия этамиз, яъни:

$$K_e^{es} = \frac{K_e^p}{K_e^z} \quad (2.1.8)$$

$$K_e^{es} = \frac{VDS}{VV_e} : \frac{PP}{VV_e} \quad (2.1.9)$$

$$K_e^{es} = \frac{VDS}{PP} \quad (2.1.10)$$

Бу коэффициентни ҳар бир қилинган харажатлардан олинган фойдани ифодалайди.

Оралик истеъмол харажатларини таҳлил қилишда оралик истеъмол харажатларини таркибий силжишини таҳлил қилиш тавсия этилади, яъни:

$$K_{it}^{mz} = \frac{MZ_{it}}{VV_{it}}; K_{it}^{znmy} = \frac{ZNM Y_{it}}{VV_{it}}; K_{it}^{kz} = \frac{KZ_{it}}{VV_{it}};$$

$$K_{it}^{pz} = \frac{PZ_{it}}{VV_{it}}; \quad (2.1.11)$$

Бунда: K_{it}^{mz} - материал харажатлар сиғими коэффиценти;

MZ_{it} - материал харажатлар;

K_{it}^{znmy} - номодий хизматлар харажат сиғими;

K_{it}^{kz} - сафар харажатлари сиғими коэффиценти;

$ZNMY_{it}$ - номодий хизматлар харажати;

KZ_{it} - сафар харажатлари (кундалик харажатларидан ташқари)

PZ_{it} - бошқа харажатлар.

Миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулотни қўшимча ўсган қисмида иқтисодий секторларни қўшимча улушларини аниқлашни тавсия этамиз, яъни:

$$D_{oit}^{iet} = \frac{\Delta VDS_{it}}{\Delta GDP_t} \quad (2.1.12)$$

Бунда: D_{oit}^{iet} - иқтисодий ўсиш сураътлари;

D_{oit}^{iet} - секторни ЯҚҚ ўсиши қўшимча ўсиш;

ΔGDP_t - ялпи ички маҳсулот қўшимча ўсиши;

ΔTR_t^{GDP} - ЯҚҚ ни қўшимча ўсиш даражаси.

Мамлакатнинг макроиқтисодий сиёсатини шакллантиришда МҲТ маълумотларини таҳлил қилишни яна бир муҳим йўналиши “Даромадлар”нинг шаклланиш сиёсатини кўрсаткичлари меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импорт солиғи, ишлаб чиқариш ва импорт учун берилган субсидиялар, ялпи фойда ва аралаш даромадларни

тузилмавий силжишлари ва таркибини кўриб чиқишдир. Меҳнат бозорини ҳолатини аниқлашда меҳнат ҳақи асосий индикатор ҳисобланади. Меҳнат ҳақини ялпи ишлаб чиқариш ёки ялпи қўшилган қиймат улуши орқали тармоқнинг меҳнат сиғими коэффиценти аниқланади:

$$K_i^{it} = \frac{OT_{it}}{VV_{it}}; \quad K_i^{it} = \frac{OT_{it}}{VDS_{it}} \quad (2.1.13)$$

бунда K_i^{it} – тармоқни t йилдаги меҳнат сиғими коэффиценти;
 OT_{it} – тармоқни t – йилдаги меҳнат ҳақи.

Меҳнат ҳақини таркиби иш ҳақи, ижтимоий суғурта ажратмаларидан ташкил топган. Агарда иш ҳақини ялпи ишлаб чиқаришга бўлинса, тармоқни иш ҳақини тўлаш сиғими коэффиценти аниқланади, яъни:

$$K_{it}^{zp} = \frac{ZP_{it}}{VV_{it}} \quad (2.1.14)$$

бунда; K_{it}^{zp} – тармоқни t – йилдаги иш ҳақи тўлаш сиғими;
 ZP_{it} – тармоқни t – йилдаги иш ҳақи.

Иш ҳақини самарадорлик коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$$K_{ZPit}^{ef} = \frac{VV_{it}}{ZP_{it}} \quad (2.1.15)$$

Ишлаб чиқариш функциялари билан ҳар бир омилнинг даража ва динамикаси таъсирини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Кўп ҳолларда уларнинг қуйидаги вариантлари ишлатилади:

- а) $Y = AK^\alpha L$; $\alpha + \beta = 1$;
- б) $Y = AK^\alpha L^\beta$; $\alpha + \beta \neq 1$;
- в) $Y = AK^\alpha L^\beta e^{\gamma t}$,

Y – иқтисодий фаолиятнинг натижаси (ялпи чиқариш, ялпи қўшилган қиймат, миллий даромад, даромад).

K – капитал ресурслари(асосий капиталнинг йиллик ўртача нархи, капиталнинг йиллик ўртача нархи);

L – меҳнат ресурслари (иқтисодда бандларнинг уртача йиллик сони умумий ишлатилган вақт);

e – табиий логарифмнинг тузилиши;

t – вақт (йилларда)

A, α, β ва γ ишлаб чиқариш функциясини параметри, буни оддий тенгламаларни ечиш оқали ҳисобланади.

МХТнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари орасидаги мавжуд боғлиқликларни ўрганиш учун корреляцион-регрессион таҳлилни ҳам қўллаш зарур. Бунда корреляция коэффицентининг қиймати ушбу кўрстаклар ўртасидаги кучли боғлиқлик ҳақида фикр юритишга ундайди: агар абсолют катталиқ бўйича у 0,8 дан ошса, кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар кучли; агар у 0,3 дан кам бўлса улар орасидаги боғлиқлик кучсиз ҳисобланади.

Корреляцион регрессия тенгламаси параметрларининг ҳисоби қуйидаги тенглама ёрдамида амалга оширилади:

$$Y = + + + \dots + \quad (2.1.16)$$

Бу ерда:

Y – натижавий курсаткич;

$X_1, X_2, \dots, X_n$ – омил кўрсаткичи

a_0 – озод ҳад;

$a_1, \dots, a_n$ – регрессия тенгламасининг коэффицентлари.

Сифатнинг омил белгилари сифатида меҳнат потенциаллари чиқиши мумкин (ишчилар сони ёки сарфланган вақт) моддий потенциал (асосий фондлар, сармоя фондлари, экспорт ва импорт, ва бошқалар).

Моделга бириктирилган динамиканинг кўрсаткичлари олдиндан қўйилади. Бу вақтда кўрсаткичлар қиймати тегишли параметрлар билан изоҳланиши керак.

Автокорреляция бор-йўқлиги текширилади. Агарда автокорреляция топилса вақт омиллари кўрсаткичларига қўшилади. У ҳолда модел қуйидаги шаклга келади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n + a_{n+1}t \quad (2.1.17)$$

t – вақт кўрсаткичи рақами.

$a_0, a_1, \dots, a_{n+1}$ – натижавий кўрсаткич, омилларни бир бирликка ўзгариши ҳисобига ўзгариши.

a_0 – озод ҳад;

$a_1, \dots, a_n$ – регрессия тенгламасининг коэффиценти.

Шу билан бирга шахсий эластик коэффиценти ҳисобланади:

Бунда:

$$K_{\text{эласт}}^i = a_i \frac{\bar{x}_i}{\bar{y}_i} \quad (2.1.18)$$

Бу ерда: a_i – x_i – омилларни белги коэффиценти

$\bar{x}_i$ – x_i – омилларни ўртача белгиси

$\bar{y}_i$ – ўрта натижавий кўрсаткич.

Шахсий эластиклик коэффиценти (X) омил кўрсаткичи 1% га ошсанатижавий кўрсаткич (Y) қанчанга ўзгаришини кўрсатади.

Шундай қилиб МХТ кўрсаткичлари таҳлилининг асосий услубий асослари шулардан иборат.

2.2. Миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари таҳлилининг услубий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий сиёсатнинг асосий дастаклари (солиқ, пул, валюта, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бошқалар) миллий ҳисобчилик тизимининг кўрсаткичлари ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни жамлаган ҳолда таҳлил қилмай туриб, давлат бошқарувида тўғри, аниқ ва самарали қарор қабул қилиш мумкин эмас.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишидаги ўзаро боғлиқлар ва муносабатларни миллий ҳисоблар тизимининг барча тармоқ ва сектор ҳисоб кўрсаткичлари бўйича мукаммал таҳлил этиш долзарб муаммолардан иборат.

Ҳисоблар таҳлили қуйидаги йўналишларда бажарилади:

- МХТ ҳисобларининг таркибий кўрсаткичлар таҳлили;
- Ҳисобларни бир-бири билан боғлаган ҳолда ва буларга қўшимча ҳисобланган кўрсаткичлар билан биргаликдаги таҳлили;
- МХТ ҳисоблари орқали олинган маълумотларни макроиқтисодий кўрсаткичлар билан солиштириш ва таҳлил қилиш;
- Иқтисодий секторлар алоҳида таҳлил қилинади, бу секторларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрнини ойдинлаштиради;

- Тармоқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини таҳлил қилиш, тармоқ ривожланиш даражасини, иқтисодий сиёсат ва бозор муносабатлари таъсирида иқтисодиётдаги тармоқларнинг таркибий ўзгаришларини баҳолаш;
- МХТ да акс этадиган иқтисодий жараёнлар таҳлили (даромадларни шаклланиши, уни бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш ундан фойдаланиш ҳамда жамғариш).

Таҳлил давомида иқтисодий ўсиш қонуниятлари ва йўналишлари, ЯИМ таркиби, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг мувозанатли ривожланиш суръатлари ҳамда боғлиқлиги; истеъмол ва жамғариш, асосий капитал жамғариш ва инвестиция ички талаб ва таклиф орасидаги муносабатлар, ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва қўшилган қиймат кўрсаткичлари динамикаси ўрганилди.

Таҳлил натижалари давлат бошқарув органлари томонидан янги макроиқтисодий сиёсатни ташкил этиш, ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилишда, макроиқтисодий вазиятни ва иқтисодий жараёнларни баҳолашда, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболдаги иқтисодий прогнозлар моделларини ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги вақтда барқарор ва юксак суръатлар билан ривожланиш босқичига чиққан. Унга кўра республикамизда ЯИМ йил сайин ортиб бормоқда, яъни унинг салоҳияти ўсишидан далолат бермоқда. Бизга маълумки макроиқтисодий динамик таққослик нархларда ҳисобланган ЯИМ ҳажмининг ўсишини ифодалайди. Кейинги даврларда бу кўрсаткич барқарор ўсиб бормоқда. (2.2.1-жадвал)

Агарда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши ЯИМ ўзгариш суръатлари орқали қаралса, ривожланишни тўрт босқичга бўлиш мумкин:

Иккинчи босқич –(1996-2003 й.й) кенг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, бозор муносабатлари ва инфратузилмасини шакллантириш;

Учинчи босқич – (2004-2010й.й) макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;

Тўртинчи босқич – иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация (2011 йилдан янги қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш. босқич)

Жадвалдан кўриниб турибдики, ЯИМ нинг пасайиши мамлакатимизда 1991-1995 йиллар оралиғида кузатилиб, бу йилларидаги пасайиш суръати 18,4 % дан ҳам юқори эди, кейинчалик аста-секинлик билан ЯИМ ўсиши кузатилди. Бу ижобий ўзгаришлар 1996-2003 йилларда мустаҳкамланди. 2004-2010 йилларда ЯИМ ўртача йиллик ўсиш 8,1 % ни ташкил қилган бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ нинг ўсиши 1991 йилга нисбатан 2005 йилдан бошлаб ўсди, яъни 102,1 % га ўсди.

Ўртача йиллик ўсиш: ЯИМ 2008-2012 йилларда 8,4% ЯИМ аҳоли жон бошига ўсиши 6,5% бўлган бўлса, 2010-2012 йилларда 8,3 ва 6,3% ни ташкил қилган.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини баҳолашда қайси сектор ва тармоқлар ҳисобидан таъминланганлигига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга. Статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 1996 йилдан 2003 йилга қадар мамлакатимизда ЯИМ нинг ўсиши асосан қишлоқ хўжалиги, хизматларда қўшилган қиймат ва ишлаб чиқариш ва импорт соф солиқларнинг ўсиши ҳисобига таъминланган (2.2.2-жадвал).

Сўнгги ўн йилликда дунёнинг барча мамлакатларида ижтимоий меҳнат тақсимооти, миллий ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва

чуқурлашиши билан бирга ЯИМ таркибида, аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳаларининг турли эҳтиёжларини қондирадиган номоддий хизматларнинг улуши кўпайиши кузатилмоқда. Бу иқтисодий жараён тўхтовсиз ўсиш тенденциясига эгадир. Шунинг учун ҳозирги пайтда ўсиб бораётган номоддий ишлаб чиқариш соҳа меҳнат натижаларини ҳисобга олиш зарурдир. Бу соҳани ҳисобга олмай туриб, итисодиётда ишлаб чиқариш натижаларини ва унинг самарадорлигини

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот қийматининг тармоқ таркиби ва ундаги соф солиқлар улушининг ўзгариши % ҳисобида (1991-2012 й.й)

ЯИМ	1991	1995	2000	2003	2006	2008	2009	2010	2011	2012
Саноат	22,7	17,1	14,3	17,1	22,1	23,5	23,6	23,9	24	24
Қишлоқ хўжалиги	33,4	28,0	30,0	28,8	24,1	19,7	18,6	18	17,6	17,5
Қурилиш	10,6	7,1	6,0	4,5	5,1	5,6	6,8	6,5	5,9	5,9
Транспорт ва алоқа	5,9	7,3	7,7	9,8	10,1	12,5	12,2	11,5	11,6	11,9
Савдо ва умумий овқатланиш	3,8	5,2	11,1	9,9	9,3	8,6	8,9	9,3	9	8,6
Бошқа тармоқлар	24,7	22,4	18,4	15,9	20,1	20,2	20,9	21,7	23,6	24,4
Соф солиқ	-1,1	13,1	12,5	14,0	9,2	9,9	9	9,2	8,3	7,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари

аниқ ўлчаб бўлмайдди. Миллий ҳисоблар тизимининг методологиясини қўллаш натижасида ушбу соҳа ЯИМ ҳажмида ўзини аниқроқ намоён этмоқда. ЯИМ таркибида савдо тармоғи салмоғининг ошиши давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини хусусийлаштириш сиёсати ижобий натижаларга олиб келди. Бундан ташқари кичик ва ўрта бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳам салмоқли ҳисса қўшади, чунки савдо тармоғига

мансуб корхоналарнинг кўпчилиги айнан шу хўжалик субъектларига тегишлидир.

Транспорт ва алоқа тармоқларига хорижий инвестицияларни жадал равишда жалб этиш ҳам бу тармоқнинг ЯИМ таркибидаги салмоғини оширди. Бу эса ўз навбатида замонавий алоқа турларига бўлган талабнинг ошишига ва транспорт хизматларининг ривожланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари транспорт ва алоқа хизматларининг ривожланиши ва мукаммаллашиши бозор инфратузилмасининг ривожланишига олиб келди.

Бозор конъюнктурасининг жонланиши эса хизмат соҳасига бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Масалан, 1991-2003 йиллар давомида саноат тармоғининг ЯИМдаги улуши 22,7% дан 15,3% га қисқарди.

Бу қисқариш бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида оддий ҳолат эканлигидан далолат бўлди.

Иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлиб, унинг ЯИМ даги салмоғи 1991-2003 йилларда 33,3% дан 28,6% гача камайган. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларининг улушини камайиши юқорида айтилган ҳолатга мос келади. Аммо бундан ташқари бундай ҳолатнинг юзага келишида тоталитар-буйруқлик тизимидаги иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ўзига хос хусусияти ҳам 1991-2003 таъсир кўрсатган.

Умуман, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бутун ўтган даври давомида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш доимо устивор йўналиш бўлиб келмоқда.

Бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга

қарши чоралар Дастурида муҳим устувор йўналиш қилиб белгиланди. Мазкур Дастурдаги асосий вазифани амалга оширишда миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган инновацияларни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу авваломбор, индустриал ривожланишнинг асоси ҳисобланган ва глобал ривожланишдаги салбий жиҳатлар таъсирини ўзаро кўпроқ намоён қиладиган саноат ишлаб чиқаришига хосдир.

Таҳлил қилинган даврда саноат ЯИМ даги салмоғи 2003 йилда 17,1 % дан 24,0% га ортиб, барча тармоқлари ичида юқори ўсиш суръатига, яъни ўртача ҳар йили 23,5% дан бўлди. Бу даврда шуниси характерилик, 2003-2012 йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги салмоғи барқарор пасайиши тамойилига эга бўлсада, лекин умумий бўлган ўсиши йилдан йилга ўртача 6,2% дан ошиб борди.

Шуниси характерилик, 2003-2012 йилларда қурилиш ва савдо соҳаларининг ЯИМ даги салмоғи паст даражада сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2003 йилда қурилиш ва савдонинг ЯИМ даги улуши мос равишда 4,5% 9,9% ташкил этган бўлса, 2012 йилда мазкур кўрсаткич 5,9% ва 8,6% даражасида бўлган. Бу эса қурилиш ишлари кўламининг етарли эмаслиги, уюшган савдо талаб даражасида ривожланмаганлигидан далолатдир.

Мамлакат иқтисодиётида олиб борилган интенсив институционал ислохотлар, секторлар бўйича қўшилган қиймат таркибининг ўзгаришига олиб келди.

Номолиявий корхона секторлари ялпи қўшилган қийматдаги улуши 1991 йилдаги 74,8% дан 2009 йилда 51,3% га қисқарганига қарамай, уй хўжаликларининг улуши деярли уч баробардан ошди. Ялпи қўшилган қийматни яратишда уй хўжаликларининг роли асосан қишлоқ хўжалик

тармоқ ҳисобига 1995 йилда 51% да, 2009 йилда 75% ни ташкил қилган.
(2.2.3-жадвал)

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ да 1995 йилдан бошлаб нодавлат секторининг салмоғи жадал суръатлар билан ўсиши кузатилмоқда. Бошланган иқтисодиётни либераллаштириш сиёсат давлат корхоналарининг ҳолатига таъсир этди. Айнан шу даврдан бошлаб мамлакат ҳукумати хусусий тадбиркорликка, кичик ва ўрта изнесни ривожланишининг қўллаб-қувватлаш орқали турли мулк шакллари ривожлантириш масалаларига эътибор бера бошлади. Бу эса уй хўжалик секторини ялпи қўшилган қийматидаги улушини ошишига олиб келди.

2.2.3-жадвал

Номолиявий корхоналар сектори тармоқларининг ялпи қўшилган қийматидаги улушлари (ялпи ишлаб чиқаришдаги фоизда)

	йиллар							
	2000	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009*
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	51,0	51,3	53,0	54,1	55,3	53,4	54,1	54,7
Қишлоқ хўжалиги	12,8	13,7	12,2	12,7	11,8	11,2	11,4	11,4
Транспорт ва алоқа	10,2	11,6	11,3	11,5	11,3	11,4	11,3	11,2
Қурилиш	9,3	7,9	8,1	8,1	8,1	10,2	10,3	10,3
Савдо ва умумий овқатланиш	8,5	8,1	8,1	6,9	6,6	7,7	7,9	7,9
Алоқа ва хизмат кўрсатиш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Соғлиқни сақлаш ва таълим	0,9	0,8	0,9	1,2	0,8	0,9	0,9	1,0
Бошқа соҳалар	7,2	6,5	6,4	5,5	5,9	5,1	4,0	3,4

*Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Умуман ялпи қўшилган қиймат ҳажмида давлат секторининг улуши деярли 2000 йил даражасида қолди, яъни тахминан 1,1% атрофида бўлди.

2.2.4-жадвал

Иқтисодий секторларнинг ялпи қўшилган қийматидаги жадвал салмоғи (жамига нисбатан фоизда, 1991-2009 й.й)

	1991	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ялпи қўшилган қиймат	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Нолиявий корхоналар	74,8	62,3	41,7	44,1	44,7	45,1	45,9	50,3	53,8	53,8	52,3	51,3
Молиявий корхоналар	2,4	4,0	3,6	3,8	3,7	3,8	3,7	3,2	2,8	3,1	3,0	2,9
Давлат бошқарув идоралари	12,2	13,5	13,8	14,8	13,7	13,1	13,7	11,0	11,2	11,7	11,6	11,5
Уй хўжалиги	9,8	22,8	40,2	36,5	37,0	37,2	35,8	34,8	31,5	30,8	32,4	33,6
Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар	0,8	0,4	0,7	0,8	0,9	0,8	0,9	0,7	0,7	0,6	0,7	0,7

Манба: Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Молиявий корхоналар ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат корхоналарни улуши ҳам барқарор қолмоқда, яъни 3 фоиз ва 7 фоизда (2.2.4-жадвал).

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 1995 йилда 1991 йилга нисбатан ялпи ишлаб чиқаришда иқтисодиёт бўйича 7,2 бирликга кўтарилган, худди шундай ўзгариш саноатда 4,3 бирликга, қишлоқ хўжалигида 8,8 бирликга, қурилишда эса 16,2 бирликга ошган(2.2.5-жадвал). Бу давр оралиғида оралиқ истеъмолига ошишига асосий сабабларидан бири хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган хом ашё ресурсларининг юқорилиги,

қўшни мамлакатлардан транзин таърифларини баландлиги ҳамда маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларидаги нархларининг кескин фарқ қилишибилан изохлаш мумкин. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг бутун ўтган давр давомида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш доимо устувор йўналиш бўлиб келди.

2.2.5-жадвал

Оралик истеъмол улуши

Кўрсаткичлар	йиллар										
	1991	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
иқтисодиёт бўйича	52,4	59,6	51,0	51,9	51,3	51,8	51,3	53,6	52,1	50,9	52,0
Саноат	74,4	78,7	76,9	76,4	76,2	75,0	77,5	78,1	69,8	68,3	69,1
Қишлоқ хўжалиги	24,3	33,1	34,4	33,5	34,7	34,8	34,2	34,2	33,0	33,2	33,7
Транспорт ва алоқа	59,1	55,5	50,6	53,9	52,9	51,8	52,6	53,2	48,0	49,8	50,3
Қурилиш	45,0	61,0	60,4	61,3	61,8	61,5	61,9	62,5	59,3	59,7	59,9
Савдо ва умумий овқатланиш	54,1	36,6	37,9	36,0	38,9	37,9	38,6	39,1	38,0	37,9	37,4
Бошқа тармоқларда	24,0	50,5	49,7	50,4	50,8	50,7	51,1	52,3	51,8	50,3	51,1

Бошланғич таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар амалга ошириш натижасида ялпи ишлаб чиқариш билан бир қаторда улар таркибидаги истеъмол харажатлари камайди. Яъни саноатда 1991 йилга 74,4 фоиздан 23,5 бирликка транспорт ва алоқа тармоқларида эса 5,2 бирликка камайди. Шундай қилиб олиб борилган таҳлил Ўзбекистон

мустақилликка эришгандан сўнг давлат миллий иқтисодиётини ривожлантириш учун аниқ ислохатлар олиб бораётганини англатади.

Бунга мисол тариқасида сўнгги тўрт йил давомида иқтисодий ўсиш суратлари бўйича Ўзбекистон нафақат МДХ мамлакатлари балки АҚШ, Евро худуд билан солиштирганда ҳам бу борада ўзиб кетган.(2.2.6-жадвал)

2.2.6-жадвал

	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й	прогноз	
					2013 й	2014 й
Дунё	-2.2	4.3	2.7	2.3	2.4	3.1
Евро худуд	-4.4	2.1	1.5	-0.4	-0.1	0.9
АҚШ	-3.5	3.0	1.7	2.2	1.9	2.8
Айрим МДХ давлатларида						
Россия	-7.8	4.3	4.3	3.5	3.6	3.9
Украина	-14.8	4.2	5.2	0.5	2.2	3.2
Белорусь	0.2	7.7	5.3	2.8	4.0	4.0
Қозоғистон	1.2	7.3	7.5	5.0	5.5	5.7
Ўзбекистон	8.1	8.5	8.3	8.2	7.5	7.0

Манба: жаҳон банки, 2013 йил

Даромадларнинг шаклланиш жараён кўрсаткичлари ишлаб чиқариш фаолияти натижасида тармоқ ва секторларнинг умумий даромади ҳажмининг таркибини аниқлашга, тармоқ ва секторлар бўйича даромаднинг шаклланишини кузатишга ҳамда ЯИМ, ЯҚҚни бирламчи даромад таркибида ҳар бир тармоқ ва секторларнинг улушини таҳлил қилишга имкон беради.

Тармоқлардаги номуносив иш ҳақининг ўсиши барча соҳаларда сезиларли тафовутларга олиб келди. Қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот соҳаси ишчиларининг маошлари саноат тармоғида ишлаётганларникидан икки, ҳатто ундан кам бўлиши кузатилди. Ялпи қўшилган қиймат таркибида энг юқори иш ҳақи давлат бошқарув органлари (80 – 90%), нотижорат корхоналар (тахминан 80%), номолиявий корхоналар (50–55%) секторига таалуклидир. ЯҚҚ таркибида молиявий корхоналар иш ҳақи улуши бор – йўғи 24% ни ташкил этмоқда.

2.2.7 –жадвал

Иқтисодиёт секторларининг ялпи қўшилган қийматидаги иш ҳақи салмоғи

секторлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Жами иқтисодиёт бўйича	40,1	39,2	37,8	36,7	34,7	34,3	33,1	33,3	33,2
Номолиявий корхоналар	50,4	47,6	44,6	42,8	39,7	35,3	33,0	33,0	32,9
Молиявий корхоналар	22,5	22,9	23,4	23,7	26,2	27,4	29,2	31,6	31,9
Давлат муассасалари	84,2	84,5	84,7	84,8	83,6	86,0	87,4	89,2	90,0
Нотижорат корхоналар	83,8	82,9	82,0	81,3	82,6	84,4	85,2	86,0	87,0
Уй хўжалиги	13,3	12,8	11,6	10,4	9,2	12,1	12,2	11,1	11,4

Ялпи ички маҳсулот таркиби динамикаси**(ЯИМ га нисбатан фоизда)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2000- 2008 йиллар ўртача
Ялпи ички маҳсулот	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Иш ҳақи	62,9	65,2	35,1	36,7	35,4	36,4	35,8	35,1	34,7	41,9
Ишлаб чиқариш солиғи	1,3	0,7	11,1	13,8	11,6	13,8	11,6	13,8	14,4	10,2
Ишлаб чиқаришга берилган субсидиялар (-)	13,9	7,8	3,3	1,8	1,0	5,6	3,5	2,5	2,2	4,6
Ялпи фойда (Ялпи аралаш даромад)	36,8	34,1	53,8	49,5	53	49,8	49,8	50,3	51,8	47,7
Шу жумладан:										0,0
Ялпи фойда	35	31,8	28,4	23,5	20,3	16,9	19,5	21,2	25,2	24,6
Ялпи аралаш даромад	1,8	2,3	25,4	26	32,7	32,9	30,3	29,1	26,6	23,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

2.2.8–жадвал маълумотларига асосан таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш субидиялари йил сайин камайиб бориб, 2000 йилдаги 13,9% дан 2008 йилда 2,2% га тушиб қолди. Шунга қарамай 2008 йилда ишлаб чиқаршнени ривожлантириш учун ажратилган субсидиялар 148,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман ЯИМ таркибидаги ишлаб чиқариш соф солиғи 2000 йилдаги 1,3% дан 2008 йилда 14,4% га кўтарилди, кейинги даврда пасайишини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон ЯИМ яна бир йўналишни кузатишимиз мумкин. Бу ялпи фойданинг барқарор ўсиб боришидир. Уни баланс методи билан аниқлаш мумкин. 2002 йилда ялпи фойданинг юқори бўлиши ва 2003 йилдан бошлаб пасайишини кузатиш мумкин. Унинг пасайишига инфляциян жараённинг чуқурлашиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, фонд қайтимининг пастлиги ва экспорт даромадининг камайиши (2002 – 2008 йилларда 36,1дан 27%га) сабаб бўлди. Бу омиллар таъсирида 2003 йил кўрсаткичига нисбатан 2008 йилда реал фойда ҳажми 57,7% бўлди.

Ялпи фойданинг асосий қисми номолиявий (тахминан 90%) ва молиявий корхоналар секторида шаклланмоқда.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш жараёнларида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш натижасида вужудга келган даромаднинг бирламчи тақсимланиши, қайта яратилган қўшилган қийматни меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш соф солиғига сарфланиши, фоиз, дивидентларни олиш ёки бериш ҳамда ялпи фойдага бўлиниши орқали намоён бўлади.

Номолиявий корхоналар сектори олган бирламчи даромадларнинг таркиби ўзгаришига таъсир этадиган омиллар ва қонуниятларни аниқлаш, ҳисоб кўрсаткичларининг иқтисодиётдаги ЯҚҚга нисбатан ҳолатини кузатиш бирламчи даромадлар тақсимланиши ҳисобини таҳлил қилишда муҳим ўрин эгаллайди. (яъни ўзаро боғлиқ ҳисоблар ва бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобининг баланс кўрсаткичларини таққослаш).

**Даромадларни бирламчи тақсимлашда иқтисодиёт секторлар
улушини ўзгариши (иқтисодиётдаги ЯҚҚга нисбатан % да)**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Бирламчи даромадлар салъдоси	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Номолиявий корхоналар	32,6	29,3	25,8	20,8	17,6	14,8	16,4	20,8	20,9
Молиявий корхоналар	0,4	0,1	0,6	0,6	0,8	2,6	2,9	2,2	2,1
Давлат бошқарув органлари	13,5	16,2	13,5	15,7	16,2	15,3	13,3	16,5	16,4
Уй хўжаликлари	53,4	54,4	60	62,7	65,3	67,2	67,3	60,5	60,5
Нотижорат ташкилотлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1

2000 – 2008 йилларда олиб борилган бутуниқтисодиёт ва секторлар бўйича бирламчи даромадларни тақсимлаш ҳисобининг кўрсаткичлари ўзгариши таҳлил қилиб борилганлиги натижасида, иқтисодиёт секторлари ўртасида даромадни қайта тақсимлаш жараёни билан боғлиқ қуйидаги тенденциялар намоён бўлди (2.2.8 –жадвал). Бу давр ичида 2000 йилдан 2005 йилгача ЯИМ ҳажмида ялпи фойданинг нисбати 36,8% дан 53,8%га ошган бўлса ҳам, 2006 йилдан бошлаб пасайиши кузатилди. Натижада ялпи фойда ва арлаш даромад улуши 49,7% га тушиб қолди. Субсидиялар 13,9% дан 2,7% га пасайиши оқибатида эса соф солиқлар 1,3% дан 14,1% га ўсди. Бу ҳисоб кўрсаткичларини бутун иқтисодиёт бўйича таҳлил қилсак, унда ташқи дунёдан олинadиган мулк даромадининг пасайишининг гувоҳи бўлиш мумкин.

2003 йилда ташқи дунёдан олинадиган мулк даромади ЯИМ ҳажмида 6,1% ташкил этган бўлса 2006 йилда бор – йўғи 0,3% бўлди, аммо берилган мулк даромадлари 0,2%дан 1,6% га ўсди. Албатта, бу салбий ҳолатдир. Оқибатда соф мулк даромадларининг салъдоси манфий бўлиб чиқди ва ялпи миллий даромаднинг 2006 йилдаги улуши 2000 йилга нисбатан 98,8% ни ташкил этди.

Иқтисодиёт секторларининг орасидаги бирламчи даромад таркиби ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Уй хўжаликларининг даромадлари, асосан, тадбиркорлик фаолияти натижасида 18,3% дан 32,8% га ошиши ЯИМ таркибидаги уй хўжаликларининг бирламчи даромадлари 2000 – 2007 йилларда ўсиб бориб, 53,4% дан 60,5% га етди.

Ишлаб чиқариш солиғи камайиши давлат бошқарув органларининг улуши 32,6% дан 15,1% га ҳамда номолиявий корхоналарнинг улуши 20,3% дан 17,6% га камайишига сабаб бўлди. Нотижорат корхоналарнинг бирламчи даромадлари эса деярли ўзгармай 0,1% ни ташкил этди. Иқтисодиётнинг бундай ҳолати бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврига хосдир, чунки бу даврда фақат ички талабни қондириш мумкин эмас, балки ташқи ёрдамлардан фойдаланибгина баланс ҳолатига эришиш мумкин. Аммо олинган ташқи ресурслар қайтарилганда, ўзи билан қўшилган фоизларни ҳам олиб кетиши турган гап.

Сўнги йилларда қўшма корхоналар очиш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун олинган ташқи кредитларни ёпиш ва норезидентларга берилган даромадлар бўйича тўловлар ҳажми ошиб кетди. Номолиявий корхона сектори тармоқларининг ташқи дунёдан олган даромадлари улушининг камайиши улар қўшилган мулк даромадини қўлга киритиш мақсадида халқаро молиявий операцияларда, хорижий мамлатлар инвестицион фаолиятларида активлиги камайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Номолиявий корхоналар сектори бирламчи даромадларининг қайта тақсимлаш жараёнлари мавжуд бўлиб, у

тақсимлаш жараёнларини таҳлил қилишнинг асосий йўналиши бўлиб, бутун иқисодиёт ва номолиявий корхоналар секторининг ихтиёридаги даромадлари шаклланишига ўзга омилларнинг таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

2.2.10 –жадвал

ЯИМ га нисбатан %да

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Ялпи ихтиёрдаги даромад	99,9	99,4	99,0	99,9	99,3	98,3	98,3
Номолиявий корхоналар	19,7	12,2	11,7	9,8	7,1	5,1	5,0
Молиявий корхоналар	3,2	1,2	1,2	1,4	1,3	1,1	1,2
Давлат бошқарув органлари	24,8	29,6	27,3	28,4	27,3	24,8	25,7
Уй хўжалиги	51,4	55,5	57,9	59,2	62,5	66,9	67,3
нотижорат ташкилотлар	0,8	0,9	1,0	1,2	1,2	1,0	1,0

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2001 – 2007 йиллар давомида ялпи ихтиёрдаги даромад шаклланишига жорий трансфертларларнинг таъсири ижобий бўлишига қарамай, у ташқи дунёга тўланган соф мулк даромадларининг салбий таъсири натижасида жуда кичик миқдорга бўлди. Шундай қилиб 2001 йилда ялпи ихтиёрдаги даромад ЯИМга нисбатан 99,9% бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 88,0%ни ташкил этди. Ялпи ихтиёрдаги даромад 2003 йилда пасайган.

Бунга асосий сабаб, номолиявий корхоналар секторининг (99,9%га) пасайиши таъсир қилган.

Даромадларнинг салмоқли қисми уй хўжаликлари ва давлат бошқарув органлари секторида тўпланиши ҳамда бу даромадлар бошқа секторларда паст бўлиши жамғариш жараёнига салбий таъсир ўтказишини таъкидлаш лозим.

2.2.11-жадвал

Олинган ва берилган трансфертлар

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Жорий трансфертлар, олинган, жамига нисбатан %да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Номолиявий корхоналар	1,6	2,4	1,9	2,6	2,2	1,8	1,7	1,8
Молиявий корхоналар	0,7	1,0	0,1	0,5	0,2	0,2	0,1	0,2
Давлат бошқарув органлари	66,3	62,9	67,2	65,4	63,5	63,5	64,0	64,2
Уй хўжалиги	28,8	31,3	28,2	28,1	30,6	33,3	34,0	34,8
нотижорат ташкилотлар	2,7	2,3	2,7	3,3	3,4	2,9	2,8	2,9
Жорий трансфертлар, берилган, жамига нисбатан %да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Номолиявий корхоналар	29,6	36,0	36,0	28,9	27,3	24,9	25,0	25,4
Молиявий корхоналар	4,5	3,5	2,4	3,2	3,0	2,7	2,8	2,7
Давлат бошқарув органлари	28,3	30,6	26,6	26,3	28,5	31,2	31,8	32,0
Уй хўжалиги	37,5	29,7	34,9	41,4	41,0	40,9	41,5	41,9
нотижорат ташкилотлар	0,1	0,2	0,1	0,2	0,1	0,3	0,2	0,3
Ялпи ихтиёрдаги даромад. ЯИМ га нисбатан % да	99,9	99,4	99,0	99,9	99,3	98,9	99,7	99,3
Номолиявий корхоналар	19,7	12,2	11,7	9,8	7,1	5,1	5,9	5,7
Молиявий корхоналар	3,3	1,2	1,2	1,4	1,3	1,1	1,0	1,1
Давлат бошқарув органлари	24,8	29,6	27,3	28,4	27,3	24,8	25,7	25,0
Уй хўжалиги	51,4	55,5	57,9	59,2	62,5	66,9	70,0	71,0
нотижорат ташкилотлар	0,8	0,9	1,0	1,2	1,2	1,0	0,9	0,9

Шундай қилиб, даромадларни иккиламчи тақсिलाш натижасида иқтисодий секторлар ихтиёридаги даромадларидан ўз пировард истеъмолларига ва жамғаришга маблағ ажратадилар.

Даромаднинг яна бир таҳлил йўналиши иқтисодий секторлар бўйича жорий трансфертларнинг шаклланиши ва уларни таркибий таҳлил қилиш ҳисобланилади.

Трансфертларнинг асосий қисмини давлат бошқарув органлари олади. Бу даврда давлат бошқарув органлари томонидан олинган трансфертлар бироз пасайиши кузатилди, яъни 2000 йилда 66,3%дан 2001 йилда 62,9%га, уй хўжаликлари бўйича эса бу кўрсаткич 2000 йилда 28,8% дан 2001 йилда 31,3%га ошган.

Трансферт тўловларининг асосий қисмини уй хўжаликлари, давлат бошқарув органлари ва номолиявий корхоналар секторлари тўлайдилар. Бу 2005 йилда уй хўжаликлари берилган трансфертлар 40,9 %да, номолиявий корхоналар сектори эса 2005 йилда берилган трансфертлар 24,9% ни тшкил этган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, давлат, уй хўжаликлари, молиявий ва номолиявий корхоналарнинг жорий трансфертлари, солинадиган ва солинмайдиган даромад тушумларининг олувчиси бўлганлиги учун давлат бошқарув органлари сектори иккиламчи тақсимлашдаги улушига қараганда юқори.

II-боб бўйича хулоса

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иккинчи босқичи давом этаётган бир шароитда юқори макроиқтисодий кўрсаткичларига эга бўлиб келмоқда.

Бунга Республикамизда, хусусан муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат сабабчисидир. Рақамларга диққатимизни тортсак, 2009 йилдан 2013 йилгача йиллик ЯИМнинг ўсиш суръати мос равишда, 8,1%, 8,5%, 8,3% ва 8,2 фоизларни ташкил қилган.

Бу кўрсаткич нафақат МДХ давлатлари орасидаги юқори кўрсаткич, балки бутун Евроиттифоқ ва Америка Қўшма Штатларига ҳам солиштирганда баландигини билдиради.

Номолиявий корхоналар секторини таҳлил қилиш натижасида

III-БОБ. НОМОЛИЯВИЙ КОРХОНАЛАР СЕКТОРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ВА СТАТИСТИК УСУЛЛАР АСОСИДА БАШОРАТЛАШ

3.1. Иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш жараён кўрсаткичларини башоратлаш усуллари

Иқтисодий жараёнларни вақт ўзгариши давомида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби барча иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар вақт давомида ўзгарувчан бўлади. Иқтисодий номолиявий корхоналар барчаси иқтисодий жараёнларни иқтисодий-статистик моделлар орқали ўрганиш натижасида у ёки бу иқтисодий кўрсаткичнинг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ўзгаришини илмий асосда тасдиқлаш мумкин бўлади.

Иқтисодий-статистик моделлаштириш усули – бозор иқтисодиёти субъектларининг иқтисодий фаолиятини таҳлили ва режалаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан иборат.

Иқтисодий-статистик моделлаштириш иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги алоқалар ўз моҳиятига кўра стохастик бўлган асосга таянади. Иқтисодий номолиявий корхоналар фаолиятини статистик моделлаштириш замон ва маконда уларнинг ривожланиш жараёнини ўрганиш асосий ўрин эгаллайди. Бу моделлар ишлаб чиқариш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш учун мослашгандир.

Ҳатто энг такомиллашган статистик модел ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг бутун алоқадорлигини қамраб олишга қодир эмас. Шунга кўра, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-статистик моделлаштиришни қўлашда ҳар доим ноаниқ элементлари мавжуд бўлади. Одатда, иқтисодий-статистик моделлаштиришни қўлашни

самарадорлигининг асосий шартларидан бири, унинг реал кўриниши ва жараёнига айнан мос келиши ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлар асосида модел вазифасидан фойдаланиш моделдан аниқ талаблар характеристикасини талаб этади. Бундай хусусиятга эга бўлишига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) моделлаштириш учун мўлжалланган кўрсаткичлар тўплами;

б) моделлаштириш учун тадқиқотлар кўлами ва корхонанинг ривожланиш даражаси;

в) иқтисодий жараёнлар динамикасининг ҳисобот даражаси;

г) ўзгарувчан моделларнинг характери ва тўплами;

д) моделнинг умумийлик даражаси;

Иқтисодий жараёнлар динамикасини акс этириш моҳиятига кўра, статик ва динамик моделлар мавжуд.

Статик моделлар ўзида вақтнинг айрим, қайд қилинган оралиғини қамраб олади. Динамик модел вақтнинг изчил оралиқ тизими ҳолатини акс этиради. Ўзгарувчан сифатига кўра, бошланғич иқтисодий ишлаб чиқариш омиллари ёки аралаш омилларни ўз ичига олган моделларни кўрсатиш мумкин.

Ҳодисалар ўртасидаги боғланишни ифода этувчи статистик моделларни тузиш вақтида корелляцион ва регрессион таҳлил усулига катта эътибор берилади. Мазкур усуллар турли статистик мезонлар ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичга ҳар бир омилнинг таъсир даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Агар тузилган модел реал тизимни тўғри тавсифласа, бу ҳолда у бир томондан моделлаштирилаётган корхонанинг кўрсаткичлар миқдор характеристикасини, уларнинг динамикаси ўзгаришини аниқлайди, иккинчи томондан, жараёни мақсадга мувофиқ бошқариш имконини беради. Агар ўрганилаётган тизимнинг тавсифланаётган ҳолатлар

омили гуруҳидан бошқариш омиллари ажратилса, шу омилларга фаол таъсир этиш жараёнини бошқариш ва қўйилган мақсадга эришиш бўйича асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Корреляцион таҳлил усулини назарий жихатдан қўллаш асослари қуйидагилардан иборат:

а) кузатиш натижалари тасодифий қийматларга эга бўлиб, нормал тақсимот қонуни билан мажмуадан танлаб олиниши;

б) айрим кузатишлар стохастик равишда мустақил бўлиши;

в) омилли ўзгаришидан шартли дисперсиянинг ўзгармаслиги;

г) омилнинг маълум натижали қийматида математик кутилишига нисбатан параметрлар чизикли функция кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Корреляцион таҳлилни тўғри қўлашнинг муҳим шартларидан бири, ўрганилаётган мажмуанинг бир текислигидир.

Корреляцион таҳлилининг асосини ўртачалаш усули ташкил этиб, ўртача қиймат фақат мажмуанинг бир жинсли доирасида баъзи бир умумий хусусиятларни акс этиради. Ўрганиш объекти сифатида мажмуанинг бир жинслилиги ишлаб чиқарилаётган маҳсулот характери, қўланилаётган асбоб-ускуналар турлари, технологик жараёнининг характери ва бошқалар билан изоҳланади.

Ҳар бир аломат бўйича мажмуанинг бир жинслилиги вариациялар коэффиценти бўйича баҳоланиши мумкин. Вариация коэффицентлари қийматини нормал тақсимлаганда, тенглиги 33 фоиз бўлса, аломатларнинг бир жинслилиги ёки бир жинсли эмаслиги ўртасидаги чегара ҳисобланади.

Берилган аломат маълумотлари бўйича вариация коэффиценти 33 фоиздан ошмаса, мажмуа бир жинсли бўлади. Вариация коэффиценти

33 фоиздан ошиб кетган ҳолларда, мажмуага корреляцион таҳлилни қўллаш мумкин бўлган бир жинсли қисмларини ажратиш лозим.

Корреляцион моделни тузиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Масаланинг қўйилиши ва статистик кўрсаткичларни асослаш.
2. Статистик маълумотларни тўплаш ва уларни бирламчи қайта ишлаш.
3. Жуфт боғланишларни ўрганиш.
4. Боғланиш шакллари танлаш ва регрессия тенгламалари параметрларини аниқлаш.
5. Масаланинг ечиш натижаларини статистик баҳолаш ва моделнинг иқтисодий маъноси.

Корреляцион модел тузишнинг биринчи босқичида текшириш мақсади шаклланади, натижавий ва омилли аломатлар танланади, бошланғич ахборотни олиш усули ҳақидаги масала ҳал қилинади ва ҳоказолар.

Математик статистиканинг асосий масалаларидан бири ўрганилаётган ҳодисаларнинг маконда ўзгариш ва ривожланиш жараёнини ўрганишда вақтли қаторларни тузиш ва таҳлил қилиш йўли билан ҳал этилади.

Иқтисодий ҳодисаларнинг маконда ўзгаришини ифодалаётган сонлар кетма-кетлигини кузатишни биз вақтли қатор деб атаймиз.

Вақтли қаторлар кўрсаткичнинг барқарор ўзгаришларига ва хусусий тасодифлар ўзгаришига эга бўлади. Вақтли қаторлардаги хусусий тасодифларни бартараф этиш ва барқарор ўзгаришларни аниқлаш учун, биз турли хил усуллар билан таққослаймиз. Таққосланган қаторларни ҳақиқий қаторлар билан таққослаш, айрим корхоналарни тармоқ ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг баъзи бир

муҳим хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Таққосланган ва ҳақиқий қиймат кўрсаткичларининг фарқи, таққосланган қаторлар жойлашган ва келажак ривожланиш кўрсаткичлари қаторлари жойлашиши мумкин бўлган чегараларни аниқлаш имконини беради.

Кўпгина иқтисодий тадқиқотларда, айниқса вақтли қаторларни таҳлил қилиш жараёнида ниҳоятда чегараланиб танлаш бўйича аниқликларни қайта ишлашга тўғри келади. Бундай шароитда тажрибалар гуруҳини таърифлаш учун қилинган ҳар қандай уриниш, мутлоқ расмий ва субъектив бўлади. Шунинг учун кўпчилик ҳолларда ҳодисанинг қандайдир бир томонини эҳтимол таърифлаш имкониятини аниқлаш қийин. Иқтисодий вақтли қатор фарқ қилувчи хусусиятларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

а) берилган шароитда кузатилаётган жараённи қайта кузатиш мумкин эмас;

б) одатда кузатилаётган қаторлар, кузатилаётган танланма ҳажмига кўра жуда чегараланган бўлади.

Шунинг натижаси тўлароқ ўрганилаётган ҳодисаларга эҳтимоллар назарияси билан ёндашишда ҳодисалар моделини статистик экспериментларда ҳаёлан тасаввур этиш, шунингдек, баъзи бир эҳтимолликни чеклаб қўйиш лозим. Ҳақиқатдан ҳам статистик хулосалар баҳолашни танлашга ёки кўриб чиқиладиган умумий модел доирасида олдиндан ўрганилган назарий мезон хусусиятига асосланган бўлади.

Келажакнинг вақтли қаторлари ишончлилиқ даражасига кўра ҳисобли (яқин 20-30 йил учун ишончли), умумий тасаввурларга кўра тахминий (100 йилгача) ва ҳаёлийга (100 йилдан кўп) бўлинади.

Сирғанувчи ўртача усул ўртача қийматни аниқлаш вақтида тасодифий четланишларнинг ўсиш ҳолатига асосланади.

Ўртача аниқ қийматлар қаторлари динамикаси текисланаётган вақтда сирғанишнинг ўртача нукта даврини кўрсатадиган ўртача қийматлар билан алмашинади. Одатда ўртача сирғанувчи усулнинг икки модификациясидан, яъни оддий текислаш ва вазили текислашдан фойдаланилади.

Оддий тенглаштириш ўрталикдаги p узунликдаги вақт учун оддий ўрта арифметик ҳисоблашдан тузилган янги қатор тузишга асосланади:

$$y_k = \frac{\sum_{t=k}^{n+k} y}{p} \quad (k = 1, 2, \dots, N - p + 1), \quad (1)$$

бу ерда, p - тенглаштириш даври узунлиги вақтли қаторлар характерига боғлиқ бўлади;

k - ўртача қийматнинг тартиб номери.

Вазнли тенглаштириш турли нуктадаги қаторлар динамикаси учун вазнли ўртача қийматларни ўртачалаштиришдан иборат.

Биринчи $2p+1$ қаторлар динамикасини олиб кўрайлик (p одатда 1 ёки 2 га тенг). Тенденциялар функциясининг формуласи қуйидагича:

$$y_t = \sum_{i=0}^k a_i t^i \quad (2)$$

(2) тўда даражасини олайлик.

Унинг параметрлари қуйидагича:

$$a_0 \sum_{t=-p+1}^{p+1} t^i + a_1 \sum_{t=-p+1}^{p+1} t^{i+1} + \dots + a_k \sum_{t=-p+1}^{p+1} t^{i+k} = \sum_{t=-p+1}^{p+1} y_t t^i \quad (3)$$

Тенгламаси ёрдамида энг кичик квадратлар усули билан аниқланади.

Кўпхад (полином) ўртача даражаси $p+1$ нуктасига жойлашган. га нисбатан тенгламани ечсак:

$$a_0 = b_1 y_1 + b_2 y_2 + \dots + b_{2p+1} y_{2p+1} \quad (4)$$

ҳосил қиламиз. Бу ерда b_1 қиймати p ва k моҳиятига боғлиқ бўлади. Ҳосил бўлган тенглама (4) биринчилардан $2p+1$ қаторлар динамикаси қийматининг вазнли ўртача қиймат арифметикаси ҳисобланади. Сирғалувчан ўртача қиймат усули бошқа усулларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Жумладан, сирғалувчан ўртача қиймат шундай тенденция функциясини берадики, у моҳиятига кўра ўрганилаётган қаторлар моҳиятига яқин туради. Чунки қаторнинг айрим қисмлари – энг яхши тенденция танлаб олинади. Ўрганилаётган қаторларга янги даража қўшилиши мумкин. Тенденцияларни аниқлаш кўп меҳнат талаб этилиши сингари хусусиятлар сирғалувчан ўртача қиймат усулининг афзалликлари ҳисобланади. Лекин сирғалувчан ўртача усул сирғаниш даври оширилиши билан қаторнинг энг четки даврлари ҳақидаги ахборот йўқолиши сингари камчиликларга ҳам эга. Бунга вақтли қаторлар таҳлилининг баъзи усулларида йўл қўйиб бўлмайди.

Энг кичик квадратлар - бу усулининг моҳияти шундан иборатки, унинг натижасида изланаётган тенгламалар тенденциясининг шундай параметрлари ҳосил бўладики, бундай ҳолларда

$$\sum_{i=1}^n (y_i - f(t))^2 \rightarrow \min \quad (5)$$

функция минимумга айланади.

Иқтисодий қаторлар динамикаси тенденциясини аниқлаш вақтида кўпчилик ҳолларда турли даражадаги полиномлар:

$$\hat{y}(t) = \left(a_0 + \sum_{i=1}^k a_i t^i \right) (i = -1, 0, 1, \dots, k)$$

$$(u = -1, 1)$$

ва экспоненциал функциялар қўлланилади:

$$\begin{aligned}\hat{y}(t) &= \{e^{a_0 \sum_{i=t}^k a_i t^i}\} \\ (i &= -1, 0, 1, \dots, k) \\ (u &= -1, 1)\end{aligned}\quad (6)$$

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, функция шакли тенглаштирилаётган қаторлар динамикаси ҳарактерига мувофиқ, шунингдек, мантиқий асосланган бўлиши лозим.

Полиномнинг энг юқори даражаларидан фойдаланиш кўпчилик ҳолларда ўртача квадрат хатоларининг камайишига олиб келади. Лекин бундай вақтларда тенглаштириш бажарилмай қолади.

Тенглаштириш параметрлари (2) бевосита энг кичик квадратлар усули ёрдамида баҳоланади. Экспоненциал функция параметрларини баҳолаш учун эса бошланғич қаторлар қийматини логарифмламоқ лозим.

Нормал тенгламалар тизимси қуйидагича бўлади:

а) тартибли полином учун;

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 + \dots a_k \sum t^k = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 + \dots a_k \sum t^{k+1} = \sum yt \\ a_0 \sum t^k + a_1 \sum t^{k+1} + a_2 \sum t^{k+2} + \dots + a_k \sum t^{2k} = \sum yt^k \end{cases} \quad (7)$$

б) экспоненциал функция учун:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum t + a_2 \sum t^2 + \dots a_k \sum t^k = \sum \ln y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 + a_2 \sum t^3 + \dots a_k \sum t^{k+1} = \sum t \ln y \\ a_0 \sum t^k + a_1 \sum t^{k+1} + a_2 \sum t^{k+2} + \dots + a_k \sum t^{2k} = \sum t^k \ln y \end{cases} \quad (8)$$

Агар тенденция кўрсаткичли функцияга эга бўлса, яъни

$$y_t = a_0 + a_1 t$$

бўлса, ушбу функцияни логорифмлаб, параметрларини энг кичик квадратлар усули ёрдамида аниқлаш мумкин. Ушбу функция учун нормал тенгламалар тизимси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} n \ln a_0 + \ln a_1 \sum t = \sum \ln y \\ \ln a_0 \sum t + \ln a_1 \sum t^2 = \sum t \ln y \end{cases} \quad (9)$$

Кўпинча бошланғич маълумотлар асосида қаторлар динамикасининг ривожлантириш тенденциясини тавсия этиш учун энг қулай функция қайси бири эканлигини ҳал қилиш масаласи мураккаб бўлади. Бундай ҳолларда функция шакллари аниқлашнинг қуйидаги икки хил усулдан фойдаланиш мумкин: а) ўрта квадратик ҳатолар минимуми усули билан функция танлаш; б) дисперсион таҳлил усулини қўллаш орқали функция танлаш.

Мантикий таҳлил ҳамда тадқиқот туфайли қўлга киритилган шахсий тажриба асосида қатор турли хил функциялар танлаб олинади ва уларнинг параметрлари баҳоланади. Шундан сўнг ҳар бир функция учун қуйидаги формула асосида ўрта квадратик ҳатолар аниқланади:

$$s = \sqrt{\frac{\sum (y_t - \hat{y}_t)^2}{n - k - 1}} \quad (10)$$

бу ерда, y_t – қаторлар динамикасининг қиймати;

$\hat{y}_t$ – қаторлар динамикаси қийматларини тенглаштириш;

k – функция параметрлари сони.

Мазкур усул фақат тенглама параметрларининг тенг сонда қиёсий натижалар беради.

Нормал тенгламалар тизими тўғри чизиқли тенгламалар учун қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum ty \end{cases}$$

3.2. Номолиявий корхоналар секторининг иқтисодий фаолият истикболини белгилаш

Номолиявий корхоналар секторини статистик таҳлил қилишнинг муҳим бўғинларидан бири-бу ушбу соҳа кўрсаткичларининг истикболини прогнозлашдир. Прогнозлаш натижасида унинг келгуси ҳолати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу эса ушбу сектор фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурлар учун муҳим дастак ҳисобланади. Номолиявий корхоналар сектори барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини қамраб олиб, уларнинг асосий даромад манбаи товар ва хизматлар реализациясидан келадиган тушумлар ҳисобланади.

Номолиявий секторнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги уни статистик прогноз қилишга тўсқинлик қилади. Чунки статистик прогнозлашнинг аниқлиги ва реал шароитни қай даражада тўғри ифодалаши мавжуд ахборотлар базасининг тўлиқлиги ва ишончлилигига боғлиқ бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, номолиявий корхоналар сектори корхоналарининг иқтисодий фаолияти натижаларини статистик прогнозлашда унинг асосий бўғини ҳисобланган саноат маҳсулотларининг прогнозидан фойдаланамиз. Ушбу жараёнда саноат маҳсулотларини миқдоран ўсишига таъсир этувчи бир қатор омилларни оламиз. Бу омилларнинг саноат маҳсулоти ҳажмига таъсирини турли статистик методлар ёрдамида баҳолаб, умумий регрессия тенгламаси тузилади ва унинг прогнози амалга оширилади.

Саноат маҳсулоти қуйидаги тармоқларда яратилган маҳсулотларнинг йиғиндисига тенг бўлади:

1. электроэнергетика
2. ёқилғи

3. қора металлургия
4. рангли металлургия
5. кимё ва нефт-кимё
6. машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
7. ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз
8. қурилиш материаллари
9. енгил
10. озиқ-овқат
11. бошқалар

Юқоридаги тармоқлардаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши бевосита саноат маҳсулотларининг ортишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотларининг ривожланиши қуйидагича бўлган (3.2.1-жадвал) .

3.2.1-жадвал

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиш кўрсаткичлари⁷

Йил лар	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, млрд сўм							
	жами саноат маҳсу лоти	Электро- энергетика	ёқилғи	рангли метал- лургия	машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	енгил	озиқ -овқат	Бошқа лар
2000	1888,9	161,1	289,1	192,2	185,8	361,5	250,3	448,9
2001	2830,8	229,2	372,9	309,3	314,7	567,2	355,8	681,7

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

2002	4494,0	344,1	600,7	599,6	458,6	876,5	644,0	970,5
2003	6127,5	559,3	749,8	919,7	749,7	1208,6	751,8	1188,6
2004	8123,2	884,0	1086,5	1254,3	991,3	1556,7	774,9	1575,5
2005	11028,6	1246,9	1790,1	1880,9	1432,5	1833,1	909,7	1935,4
2006	14640,3	1468,2	2489,9	2705,6	2013,1	2133,1	1308,8	3221,5
2007	18447,6	1738,9	3266,2	2895,1	2839,4	2532,8	1715,7	3459,5
2008	23848,0	2047,4	4759,6	2976,6	3840,2	2993,8	2554,2	4676,2
2009	28387,3	2479,6	6033,6	3266,5	4615,9	3436,0	3235,7	5320,0
2010	34499,1	2795,4	6845,7	3766,9	5547,0	4593,1	4406,4	6544,6
жами	154315,3	13954,1	28284,1	20766,7	22988,2	22092,4	16907,3	30022,4
ўртача	14028,7	1268,6	2571,3	1887,9	2089,8	2008,4	1537,0	2729,3

3.2.1- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, ҳар бир саноат тармоғининг жами саноат маҳсулотидаги улушини аниқлаймиз ва шу асосда унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаймиз. Ушбу маълумотларни қуйидаги 3.2.2-жадвалда акс эттирамиз.

3.2.2-жадвал

Саноат тармоқлари ишлаб чиқаришининг жами саноат маҳсулотидаги улуши, жамига нисбатан % да

Йил лар	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, жамига нисбатан % да							
	жами саноат маҳсулоти	Электро энергетика	ёқилғи	рангли металлургия	машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	Ен гил	озик -овқат	Бошқа лар
2000	100,0	8,5	15,3	10,2	9,8	19,1	13,3	23,8
2001	100,0	8,1	13,2	10,9	11,1	20,0	12,6	24,1
2002	100,0	7,7	13,4	13,3	10,2	19,5	14,3	21,6
2003	100,0	9,1	12,2	15,0	12,2	19,7	12,3	19,4


2004	100,0	10,9	13,4	15,4	12,2	19,2	9,5	19,4
2005	100,0	11,3	16,2	17,1	13,0	16,6	8,2	17,5
2006	100,0	10,0	17,0	18,5	13,8	14,6	8,9	22,0
2007	100,0	9,4	17,7	15,7	15,4	13,7	9,3	18,8
2008	100,0	8,6	20,0	12,5	16,1	12,6	10,7	19,6
2009	100,0	8,7	21,3	11,5	16,3	12,1	11,4	18,7
2010	100,0	8,1	19,8	10,9	16,1	13,3	12,8	19,0
ўртача	100,0	9,0	18,3	13,5	14,9	14,3	11,0	19,5

3.2.2- жадвалдан кўринадики, ўртача ҳисобда ёқилғи саноати, рангли металлургия ҳамда машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатининг улуши нисбатан юқори ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб биз саноатмаҳсулоти ҳажмини прогнозлашда ушбу омиллардан фойдаланишимиз мумкин.

Демак натижавий белгига таъсир этувчи омиллар:

1. ёқилғи саноати ишлаб чиқариши (x_1)
2. рангли металлургия соҳаси ишлаб чиқариши (x_2)
3. машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати (x_3).

Прогноз моделини тузишдан олдин саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ривожланишининг умумий тенденциясини аниқлаймиз. Бунинг учун 2000-2010 йилларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларини тўғри чизиқли графикда акс эттирамиз (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш ривожланишининг умумий тенденцияси (2000-2010 й).

3.2.1- расмдан кўринадики, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг умумий тенденцияси тўғри чизикли характерга эга ва демак, уни статистик прогноз қилишда тўғри чизикли регрессия тенгламасидан фойдаланиш мумкин. Ушбу тенгламанинг умумий кўриниши $y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3$ (3.2.1)⁸ бўлади.

Омил белгининг натижавий белгига ва ҳар бир омилнинг бошқа омилга таъсирини корреляция коэффицентлари орқали ҳисоблаймиз. Унда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$r_{xy} = \frac{\sum (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \sum (y_i - \bar{y})^2}} \quad (3.2.2)^9$$

Ушбу формуладаги x_i ва y_i омил ва натижавий белгининг мос қийматлари.

$\bar{x}_i = \frac{\sum x_i}{n}$ ва $\bar{y}_i = \frac{\sum y_i}{n}$ га тенг. Омиллар орасидаги боғланиш кучи ва йўналишини аниқлашда y_i ўрнига мос x лар қиймати қўйилади. Корреляция коэффиценти $-1 \leq r_{xy} \leq 1$ ораликда ўзгаради. Агар $-1 \leq r_{xy} < 0$

⁸ И.И.Еселеева. Эконометрика:учебное пособие-М.:Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65

⁹ Ўша манба.

бўлса, омил ва натижавий белги орасида тескари, $0 < r_{xy} \leq 1$ бўлса, тўғри боғланиш мавжуд бўлади. Агар $r_{xy} = 0$ бўлса, боғланиш мавжуд эмас.

Уни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаймиз.

3.2.3-жадвал

йиллар	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, млрд сўм			
	жами саноат маҳсулоти	ёқилғи	рангли металлургия	машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
2000	1888,9	289,1	192,2	185,8
2001	2830,8	372,9	309,3	314,7
2002	4494,0	600,7	599,6	458,6
2003	6127,5	749,8	919,7	749,7
2004	8123,2	1086,5	1254,3	991,3
2005	11028,6	1790,1	1880,9	1432,5
2006	14640,3	2489,9	2705,6	2013,1
2007	18447,6	3266,2	2895,1	2839,4
2008	23848,0	4759,6	2976,6	3840,2
2009	28387,3	6033,6	3266,5	4615,9
2010	34499,1	6845,7	3766,9	5547,0
Ўртача	14028,7	2571,3	1887,9	2089,8
Ўртача квад.тафовут	11006,9	2357,8	1291,0	1866,5

Шундан келиб чиқиб, натижавий белги ва унга таъсир этувчи юқоридаги учта омил ўртасидаги боғланиш қуйидагича бўлади:

3.2.4-жадвал

Омил ва натижавий белги орасидаги корреляцион боғланиш кучи

r	y	x1	x2	x3
---	---	----	----	----

y	1,000	0,995	0,956	0,998
x1	0,995	1,000	0,933	0,998
x2	0,956	0,933	1,000	0,942
x3	0,998	0,998	0,942	1,000

3.2.4-жадвалдан кўринадик, юқоридаги учта омил белги ва натижавий белги ўртасида кучли боғланиш мавжуд.

Энди $y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3$ тенгламанинг номаълум ҳадларини топамиз.

Унинг номаълум ҳадларини топиш учун стандартлашган регрессия тенгламасидан фойдаланамиз. Ушбу тенглама жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси асосига қурилади. Унинг умумий кўриниши қуйидагича:

$$t_{y_i} = \beta_1 t_{x_1} + \beta_2 t_{x_2} + \beta_3 t_{x_3} + \beta_4 t_{x_4} \quad (3.3.3)^{10}, \quad \text{бу ерда, } \beta\text{-регрессиянинг}$$

стандартлашган коэффиценти, $t_{y_i} = \frac{y_i - \bar{y}}{\delta_y}$ ва $t_{x_i} = \frac{x_i - \bar{x}}{\delta_x}$ га тенг. Ушбу

тенгламадаги номаълум ҳадларни топиш учун қуйидаги тенгламалар системасидан фойдаланилади:

$$\begin{cases} r_{yx_1} = \beta_1 + \beta_2 r_{x_2x_1} + \beta_3 r_{x_3x_1} \\ r_{yx_2} = \beta_1 r_{x_2x_1} + \beta_2 + \beta_3 r_{x_3x_2} \\ r_{yx_3} = \beta_1 r_{x_3x_1} + \beta_2 r_{x_3x_2} + \beta_3 \end{cases} \quad r_{xy} - \text{хусусий корреляция коэффицентлари} \quad (3.3.4)^{11}$$

У ҳолда қуйидаги тенгламалар ситемаси ҳосил бўлади.

$$\begin{cases} \beta_1 + 0,933 \beta_2 + 0,998 \beta_3 = 0,995 \\ 0,933 \beta_1 + \beta_2 + 0,942 \beta_3 = 0,956 \\ 0,998 \beta_1 + 0,942 \beta_2 + \beta_3 = 0,998 \end{cases}$$

Ушбу тенгламалар системасини ечиш учун қуйидаги матрицаларни тузамиз.

¹⁰ Ўша манба.

¹¹ Ўша манба.

$$\beta = \begin{pmatrix} \beta_1 \\ \beta_2 \\ \beta_3 \end{pmatrix} \text{ ва } r = \begin{pmatrix} 1 & 0,933 & 0,998 \\ 0,933 & 1 & 0,942 \\ 0,998 & 0,942 & 1 \end{pmatrix}, Y = \begin{pmatrix} 0,995 \\ 0,956 \\ 0,998 \end{pmatrix}$$

Юқоридаги тенгламалар системаси билан ушбу матрицани солиштирсак, қуйидаги тенглик ҳосил бўлади. $Y = \beta \cdot r$ (3.3.5)¹².

Агар ушбу тенгликнинг ҳар икки тарафини r^{-1} га, яъни r матрицага тескари матрицага кўпайтирсак, у ҳолда $\beta = Y \cdot r^{-1}$ ҳосил бўлади. Демак, β катталикларни топиш учун y матрицани r матрицанинг тескарисига кўпайтириш лозим. r матрицага тескари матрицани топишда MS EXCEL дастуридаги “МОБР” функциясидан фойдаланамиз. У ҳолда r матрицага тескари матрица қуйидагига тенг бўлади.

r матрицага тескари матрица элементлари

321,4	21,1	-340,7
21,1	10,3	-30,8
-340,7	-30,8	370,1

У ҳолда $a = Y \cdot X^{-1}$ га кўра, $\beta = \begin{pmatrix} -0,02 \\ 0,14 \\ 0,89 \end{pmatrix}$ га тенг бўлади. Демак,

$\beta_1 = -0,02$, $\beta_2 = 0,14$, $\beta_3 = 0,89$. У ҳолда регрессия тенгламасининг стандарт кўриниши қуйидагича бўлади:

$$t_y = -0,02t_{x1} + 0,14t_{x2} + 0,89t_{x3}$$

3.2.3-формуладаги a коэффицентлар ва стандартлашган регрессия коэффиценти β орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$a_i = \beta_i \frac{\delta_y}{\delta_x} \quad (3.3.6)^{13}, \quad \delta_y \text{ ва } \delta_x \text{ мос равишда } x_i \text{ ва } y \text{ бўйича ўртача}$$

¹² Ўша манба.

¹³ И.И.Еселеева. Эконометрика: учебное пособие-М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65

квадратик тафовутлар.

3.2.3-жадвал маълумотларига асосан, $a_1 = -0,02 \cdot \frac{11006,9}{2357,8} = -0,1$. Худди

шунга ўхшаш, $a_2 = 1,2$ ва $a_3 = 5,2$ га тенг бўлади.

$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4$ га кўра, $a_0 = y - a_1x_1 - a_2x_2 - a_3x_3 - a_4x_4$. Бундан, $a_0 = 14028,7 - 0,1 \cdot 2571,3 + 1,2 \cdot 1887,9 + 5,2 \cdot 2089,8 = 1411,6$. Демак, регрессия тенгламасининг умумий кўриниши $y = 1411,6 - 0,1x_1 + 1,2x_2 + 5,2x_3$ (3.3.7)дан иборат бўлади.

Ушбу тенгламанинг реал шароитни қай даражада аниқ ифодалашини баҳолаш учун Фишер ва Стюдент методлари орқали уларни баҳолаймиз. Фишер методиди кўп омилли регрессия тенгламаси учун умумий корреляция коэффицентини ҳисобланади ва у қуйидагига тенг:

$$R_{yx_i} = \sqrt{\sum r_{yx_i} \cdot \beta_i} \quad (3.3.8)^{14}.$$

Демак, $R_{yx_i} = \sqrt{-0,02 \cdot 0,995 + 0,14 \cdot 0,956 + 0,89 \cdot 0,998} = 0,9524$ га тенг. Агар ушбу кўрсаткични квадратга оширсак, кўп омилли детерминация коэффиценти келиб чиқади, яъни $R_{yx_i}^2 = 0,907$. Детерминация коэффиценти ҳисобга олинган омилларнинг натижавий белгига таъсирини ифодалайди. Бизнинг мисолимизда, ушбу таъсир 90,7% ни ташкил этиб, ҳисобга олинмаган омилларнинг таъсири 9,3% га тенг. Энди ушбу қиймат орқали Фишер коэффицентини ҳисоблаймиз:

$$F_{\text{хакикий}} = \frac{R_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} : \frac{m}{n - m - 1} \quad (3.3.9)^{15}.$$
 Бу ерда, m -омиллар сони, n -

кузатишда қатнашаётган элементлар сони. Бизнинг мисолимизда $m=3$ ва

$n=11$. У ҳолда, $F_{\text{хакикий}} = \frac{0,907}{1 - 0,907} : \frac{3}{11 - 3 - 1} = 22,77$. Энди ушбу қийматни жадвал

кўрсаткичлари билан солиштирамиз. Фишер тақсимот жадвалига кўра, 7 ($7=11-3-1$) эркинлик даражасида 0,05 эҳтимоллик билан $F_{\text{жад}} = 4,35$ га тенг

¹⁴ И.И.Еселеева. Эконометрика: учебное пособие-М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65.

¹⁵ Ўша манба.

ва $F_{\text{хакикий}} > F_{\text{жад}}$. Демак, 95% аниқликда айтиш мумкинки, юқоридаги регрессия тенгламаси иқтисодий жиҳатдан маънога эга. Фишер методининг аҳамиятли томони шундаки, унинг ёрдамида ҳар бир омилнинг қай даражада маънога эга эканлигини ҳам текшириб кўриш мумкин. Бунинг учун хусусий Фишер коэффициентларидан фойдаланилади:

$$F_{xi} = \frac{R_{yx_i}^2 - r_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} \cdot \frac{n - m - 1}{1} \quad (3.3.9)^{16}. \text{ Бундан, } F_{x1} = \frac{R_{yx_1}^2 - r_{yx_1}^2}{1 - R_{yx_1}^2} \cdot \frac{n - m - 1}{1} =$$

$$= \frac{0,907 - 0,998^2}{1 - 0,907} \cdot \frac{7}{1} = 90,1 \quad \text{шунга ўхшаш } F_{x2} = 129,6, F_{x3} = 29,4. \quad \text{Энди ушбу}$$

қийматларни жадвал қийматлари билан таққослаймиз. Жадвалга кўра, $F_{\text{жад}}(7,1)=5,59$; $F_{\text{жад}}(7,2)=5,14$; $F_{\text{жад}}(7,3)=4,35$. Демак, ҳар 3 та омил бўйича Фишер коэффициентининг ҳақиқий қийматлари, унинг жадвалдаги қийматларидан катта. Бу уларнинг ҳар бири иқтисодий маънога эга эканлигидан далолат беради. Ушбу фикрни Стъудентнинг t-критерияси бўйича ҳам текшириш мумкин. Бунда Фишер ва Стъудент критериялари орасидаги боғланишдан фойдаланамиз, яъни $t_{ai} = \sqrt{F_{xi}} \quad (3.3.10)^{17}$. У ҳолда t нинг қийматлари қуйидагиларга тенг бўлади: $t_{a1} = \sqrt{F_{x1}} = \sqrt{90,1} = 9,5$ ва $t_{a2}=11,4$ ва $t_{a3}=5,4$. Стъудент t-критерияси жадвалига кўра, $n=11$ бўлганда, $t=2,3646$ га тенг бўлади. Демак, t нинг барча ҳақиқий қийматлари унинг жадвал кўрсаткичларидан катта. Бундан хулоса қилиш мумкинки, барча омиллар иқтисодий жиҳатдан маънога эга экан.

Энди натижавий белги у нинг вақтга боғлиқлигини ифодалаймиз. Бунинг учун дастлаб ҳар бир омил белгининг вақт бўйича ўзгариш моделини тузиш лозим. Буннинг учун энг кичик квадрат усулидан фойдаланилади. Омил белгининг вақтга боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин: $x(t) = b_0 + b_1 t$. Бу ердан **b** катталикларни топиш учун

$$\sum (x_i(t) - \hat{x}_i(t))^2 \rightarrow \min \quad \text{қонуниятдан фойдаланамиз. Масалан } x_1 \text{ омил учун}$$

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Ўша манба.

b_0 ва b_1 ни ҳисоблаш қуйидаги тенгламалар системаси асосида амалга оширилади.

$$\begin{cases} nb_0 + b_1 \sum t = \sum x \\ b_0 \sum t + b_1 \sum t^2 = \sum xt \end{cases} \text{ бундан, } b_0 = \frac{\sum x \sum t^2 - \sum t \sum xt}{N \sum t^2 - (\sum t)^2} \quad \text{ва} \quad b_1 = \frac{N \sum xt - \sum x \sum t}{N \sum t^2 - (\sum t)^2}$$

(3.3.11)¹⁸

3.3.11- тенгламадаги ноъмалум ҳадларни топиш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз (3.3.4-жадвал).

3.3.4-жадвал

Нативавий белгининг вақтга боғлиқлигини ифодалаш

йиллар			ҳисоблашлар	
	вақт омили	ёқилғи ишлаб чиқариш, млрд сўм		
	t	x₁	t*x₁	t²
2000	1	289,1	289,1	1
2001	2	372,9	745,8	4
2002	3	600,7	1802,1	9
2003	4	749,8	2999,2	16
2004	5	1086,5	5432,5	25
2005	6	1790,1	10740,6	36
2006	7	2489,9	17429,3	49
2007	8	3266,2	26129,6	64
2008	9	4759,6	42836,4	81
2009	10	6033,6	60336,0	100
2010	11	6845,7	75302,7	121
жами	66	28284,1	244043,3	506

3.3.4-жадвал маълумотларини **3.3.11-формулага** қўйиб, $b_0 = -1483,6$ ва

¹⁸ И.И.Еселева. Эконометрика: учебное пособие-М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65

$b_1 = -9609,3$ эканлигини топиш мумкин. Демак, $x_1(t) = -143,6 - 969,3t$. Шундай тарзда қолган омилларнинг ҳам вақтга боғлиқлик моделини тузиш мумкин: $x_2(t) = -415,9 + 767,6t$, $x_3(t) = -117,8 + 789,8t$. Ҳосил бўлган натижаларни 3.3.7- формулага олиб бориб қўйсак, натижавий белгининг вақтга боғлиқлигини ифодаловчи $y = -490,6 + 2865,2t$ **(3.3.12)** кўринишдаги регрессия тенгламаси ҳосил бўлади.

3.3.12-тенгламадан фойдаланиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 2020 йилгача бўлган прогнозини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун тенгламага мос йилнинг тартиб рақамини қўйиш лозим. Навбатдаги 3.3.5-жадвалда ушбу прогнозни амалга оширамиз.

3.3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2020 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари

йиллар	t	жами саноат маҳсулоти	
2000	1	1888,9	x
2001	2	2830,8	x
2002	3	4494,0	x
2003	4	6127,5	x
2004	5	8123,2	x
2005	6	11028,6	x
2006	7	14640,3	x
2007	8	18447,6	x
2008	9	23848,0	x
2009	10	28387,3	x
2010	11	34499,1	x
2011	12	x	33891,8
2012	13	x	36757,0
2013	14	x	39622,2

2014	15	x	42487,4
2015	16	x	45352,6
2016	17	x	48217,8
2017	18	x	51083,0
2018	19	x	53948,2
2019	20	x	56813,4
2020	21	x	59678,6

Демак, 2020 йилга бориб Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тахминан 59678,6 млрд сўм бўлади.

Хулоса

БМТ нинг МҲТ-2008 йил янги нусхасида яхлит иқтисодиётнинг ҳар бир институционал секторлари учун тўлиқ стандарт тартибда ҳисоблашлар тузиш тавсия этилди. Янги БМТ МҲТ-2008 йилдаги нусхасида секторлар бўйича ҳисобларни тузишга кўп эътибор беришнинг асосий сабабларидан бири секторлар ичида ишлаб чиқариш жараёнлардан бошлаб, даромадларнинг шаклланиши, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тартиби ундан фойдаланиш жараёнларини ўз ичига олади. Бу эса бозор иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатишининг зарур тизимини белгилаб беради.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иккинчи босқичи давом этаётган шароитда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бошқариш ва унинг барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида турли хил таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш иқтисодий сиёсатлар бўйича турли ўзгаришларни амалга оширилиши табиий ҳолдир. Хусусан бундай шароитда турли макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришлар сабабини статистик усуллар билан аниқлаш ва таҳлил қилиш учун керакли бўлган объектив макроиқтисодий маълумот ишлаб чиқариш ва унинг натижавий кўрсаткичларини таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бундай шароитда турли иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш сабабини таҳлил қилиш ҳамда истиқболни прогноз қилиш услубий асосларининг ишлаб чиқариш мамлакат макроиқтисодиёти учун жуда муҳимдир. Чунки, макроиқтисодий сиёсатда йўл қўйилган кичик бир хатолик давлатнинг иқтисодий юксалиш даврини орқага тортиб кетиши мумкин. Шу билан бирга макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини баҳолашда мазкур ўсишнинг қайси тармоқлар ҳисобидан таъминланганлигига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун, ҳам миллий ҳисоблар тизими, иқтисодийни ҳар томонлама аниқ манбаларга чуқур ёндашган ҳолда содир бўлаётган ўзгаришларни макроиқтисодий таҳлил қилишни таъминлайди.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишдаги муаммоларни ҳал этишда, хусусан номолиявий корхоналар секторида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- номолиявий корхоналар сектори ҳисоблари асосида комплекс таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш, даромадларни шаклланиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишини аниқлаш;
- макроиқтисодий ўсиш натижаларига экстенсив ва интенсив омиллар таъсирини аниқлаш;
- номолиявий корхоналар сектори ҳисоблари кўрсаткичларининг таркибий таҳлили ҳамда ундаги силжишларни статистик баҳолаш;
- номолиявий корхоналар секторининг ишлаб чиқариш ҳисобини тузишда маълумотлар тўлиқ тайёр бўлмаган ҳолда бошқа соддалаштирилган ёки тахминий усулларни қўллаш зарур, яъни тезкор (оператив) вариантларни ишлаб чиқиш.

Кейинги йилларда мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши давом этиб, ижобий мазмун касб этмоқда. Хусусан макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини баҳолашда мазкур ўсишнинг қайси тармоқлар ҳисобидан таъминланганлигига баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу билан қайси тармоқда ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги ва келажакдаги истиқболларини башоратлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Хусусан охириги йиллардаги статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ЯИМ нинг тармоқ таркиби таҳлиliga эътибор қаратилганда 2008 –2011 йилларда ЯИМда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни улуши бошқа тармоқларга қараганда кўпроғини ташкил қилади, яъни 2008 – 2011 йилларда ЯИМда саноат,

қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларининг улуши мос равишда 23,5 фоиз ва 19,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб эса саноатнинг ЯИМ даги салмоғи 24 фоизгача ортиб, қишлоқ хўжалиги тармоғи эса 17,6 фоизгача камайган. Бу эса мамлакатимизнинг саноати ривожланаётганлигидан далолатдир.

Шуниси характерлики, 2008 – 2011 йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги салмоғи пасайган бўлиб, 2011 йилда пасайиш суръати 2008 йилга нисбатан қарийб 2,0 фоизни ташкил қилган. Ушбу пасайиш ўз навбатида, транспорт ва алоқа ҳамда саноат тармоқларининг ЯИМ даги салмоғининг ошиб борганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган институтчионал ислохотлар натижасида иқтисодий секторлар бўйича ялпи қўшилган қиймат таркиби ўзгарди. Бу ўзгариш масалан мавжуд маълумотларга таянган ҳолда номолиявий корхоналар секторининг ЯИМ даги улуши 51,3%ни ташкил қилган (2.2.4 – жадвал).

Шуниси характерлики, номолиявий корхоналар секторида шу кунга қадар иқтисодий кўрсаткичлар таркибида жамланмай, ўз аксини топмай қолаётган яширин, ноқонуний ва норасмий иқтисодий фаолият турларини аниқлаб, уларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Номолиявий корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларнинг келажакдаги тизимини таҳлил қилишда фақатгина анъанавий усуллардан эмас, балки бугунги кунда энг оммабоп, самарали эконометрик ва статистик усуллардан, хусусан корелляцион – регрессион таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Номолиявий корхоналар секторининг ҳисоб кўрсаткичларининг комплекс таҳлили қуйидаги муайян жиҳатлари билан аниқланди:

Мамлакат иқтисодиётида олиб борилган интенсив институционал ислохотлар натижасида секторлар бўйича ялпи қўшилган қиймат таркиби ўзгарди. Масалан, номолиявий корхоналар секторининг ЯИМдаги улушини 1991 йилда 74,8 %да (2.2.4 –жадвал) ни ташкил қилган бўлса 2009 келиб эса 51,3% ни ташкил қилган, бу эса уй хўжалиги секторининг шу давр оралиғида ЯИМ даги улушининг деярли тўрт баравар ўсишига олиб келди.

Шуни ёдда тутиш лозимки, сўнги йилларда давлат қарамоғида бўлган корхоналарнинг камайиши ва нодавлат ҳамда хусусий сектор субъектларининг кўпайиши Республикамиз иқтисодиётида уй хўжалиги сектори улушининг ортишига олиб келди, яъни ЯИМдаги улуши 1991 йилда 9,8%, ни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб эса 33,6 % ни ташкил қилган. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Мухтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бу рақамлар янада ошишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Номолиявий корхоналар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ҳисобларини БМТ МҲТ-2008 нусхасида кўрсатилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш;

2000-2012 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг номолиявий корхоналар секторини ишлаб чиқарилган ҳисоблар бўйича кўрсаткичларини МҲТ нинг янги нусхаси бўйича қайтадан ҳисоблаб чиқиш;

Ўқиш жараёнида МҲТ ни ўқитиш жараёни, ҳисобларни кўрсатадиган амалий машғулотларнинг таҳлилини ишлаб чиқдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон,2001.–386
2. Давлат статистика тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари.-Т., 2003.-N 1.-С.7-14.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президент фармони. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширишларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш, 07.07.2005 й
2. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.](#) 08.04.2013 й.
3. Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида. 16.07.2012 й.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. [2013 йилга давлат статистика ишлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида](#) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №368 Қабул қилинган сана 29.12.2012, кучга кириш санаси 07.01.2013
2. [Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида \(Ўзбекистон Республикасининг «давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 3 январдаги ўрқ-315-сон қонуни\)](#)Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №183 Қабул қилинган сана 26.06.2012, кучга кириш санаси 26.06.2012
3. «Ўзбекистон Республикасида Ҳалқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш Давлат дастури» ни қабул қилиш ҳақидаги 433 - сонли қарор, 1994 й. 24 август.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президент асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т : Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Халқ сўзи. – Т., 2005 йил февраль.
4. Каримов И.А. Барча ислохотлар ва ўзгаришларнинг асосий мақсади – инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 9 февраль.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз // Халқ сўзи. – Т., 2008 йил 6 декабрь.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 19 январь 2013 й.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўпلام, Т.: “Ўзбекистон” 2011 й.
- 2.

VI. Дарслиklar, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва монографиялар

1. А.Абдуғаффоров, М.Зокирова, А.Қорабоев Миллий ҳисоблар тизими.. Тошкент “Молия” 2002й.

2. Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик. –Т.:Ўқитувчи, 2003.– 214 б.
3. Гойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. Ўқув қўлланма Т., ТДИУ 2004 йил
4. Махмудов Б. “Миллий ҳисобчилик асослари”., Ташкент-2003
5. Набиев Х, Набихўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизими Т., 2002 й
6. Қорабоев А., М.Эркабоев. МҲТ счётларининг тузиш бўйича масалалар тўплами..Тошкент -2003.
7. Қорабоев А. Р. “Миллий ҳисоблар тизими фанидан масалалар тўплами”, - Т.: Молия. 2007
8. Қорабоев А.Р. “Миллий ҳисоблар тизими” (маърузалар матнлари). Тошкент 2010й.
9. Национальное счетоводство. Учебник //под ред. Кулагиной Е.Д. – М.: ФиС, 1997г, Национальные счёта в переходный период. Издание ООН, 1995г.
- 10.Национальное счетоводство. 2-е издание. Башкатов Б.И. Финансы и статистика 2002.
- 11.Подмогильная В.А. Система национальнкх счетов. Учебно практическое пососбие. – М.: Издательство РАГС, 2008.
- 12.Салин В.Н. Кудряшова С.Н. Система национальных счетов. Учебное пособие. –М.: 2006.
- 13.И.И.Еселеева. Эконометрика:учебное пособие-М.:Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65
- 14.Слепов В.А. Использование систем национальных счетов и платежного баланса для макрофинансового анализа/ В.А. Слепов, Е.М.Петрикова // Финансы.- М., 2005. С.24-26
- 15.Симонова М. Д. Система национальных счетов. Счет производства: Учеб.пособие / - Москва, 2007.

VII. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялар, илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами, статистик маълумотлар тўплами

1. Гойибназаров Б.К. ЎзР да МХТ ни ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари (Статистик аспект). И.ф.д. даражаси учун диссертация автореферати Т., ТДИУ, 2006 йил
2. Борисова К.Б. к. э. н., доцент, Башин А.Ю – аспирант «Формирование стратегической карты крупной нефинансовой корпорации» М., 2011 г
3. Яйцева Н.П. «Методология построения счета производства сектора «Нефинансовые предприятия». Автореферат. Иркутск 2010 г

VIII. Интернет сайтлар

1. www.stat.uz
2. www.undp.uz
3. www.testing.uz
4. www.cisstat.com
5. www.gks.ru
6. www.unstats.un.org
7. www.imf.org
8. www.worldbank.org
9. www.tmi.uz
10. www.dissertant.uz
11. www.lex.uz
12. www.ziyonet.uz
13. www.afmr.uz